БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 127 (618)

30 ИЮНЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА (1- бет).

Москвада меҳмон бўлиб турган Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Сурайё шарафига Эрон элчихонасида қабул маросими (1- бет).

Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Сурайё Паҳлавийнинг Москвада бўлиши (1- бет).

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА: **М. Пўлатов, М. Қўчқоров.** Ҳаётнинг ўзи ўргатади (2- бет).

1956 ЙИЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАЙЛИК (2- бет).

Июль ойида гўзаларни юқори сифатли парвариш қилиб, уларнинг яхши ривожланишига эришайлик! (3- бет).

КИНО: **Ф. Раҳимов, Э. Абдуллаев.** — Халқ талантлари ҳақида фильм (3- бет).

Совет-Ливан музокаралари тўғрисида қўшма ахборот (4- бет).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида илмий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланганлиги ҳақида ахборот (4- бет).

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов Афинага келди (4- бет).

СССР Министрлар Советида

СССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги, СССР Савдо министрлиги ва СССР Молия министрлиги «Давлат фондларидан нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едириш учун сарфлашга қарши кураш тадбирлари тўғрисида» СССР Министрлар Советининг Қарори проектини СССР Министрлар Советининг қарамоғига киритдилар.

Қуйида СССР Министрлар Совети Қарорининг мазкур проекти муҳокама учун эълон қилинади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАРОРИНИНГ ПРОЕКТИ

Давлат фондларидан нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едириш учун сарфлашга қарши кураш тадбирлари тўғрисида

СССР Министрлар Совети қайд қилдики, қишлоқ хўжалигини кескин суратда янада юксалтириш соҳасида Партия ва Ҳукумат ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда ғалла, картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш кўпайди. Шу туфайли шаҳарларда ва саноат марказларида 1954 ва 1955 йилларда давлат ва кооператив савдо тармоқлари орқали аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, мол ёғи ва ўсимлик ёғи, картошка, сабзавот, крупа, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш анча кўпайди.

Аҳолига ана шу озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг кўпайганлиги нон истеъмолининг ва аҳолига нон сотишнинг камайишига олиб келиши лозим эди. Ҳақиқатда эса бундай бўлмади. Шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги аҳолига нон ва нон маҳсулотлари сотиш 1952 йилдагига нисбатан шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги аҳоли сонининг ўсишига қараганда анча кўпроқ миқдорларда ортди.

Ташкил этилган текшириш натижалари, шунингдек маҳаллий совет органларининг материаллари шуни кўрсатадики, кейинги вақтларда бир қанча шаҳарларда давлат магазинларидан сотиб олинадиган нон, крупа, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини чорва молларга едириш катта кўламни олган. Шу сабабли аҳолига нон сотишнинг жуда кўпайиб кетишига аҳолининг овқатланиши учун нуннинг кўпроқ сарфланиши эмас, балки нуннинг шаҳарлардаги, шаҳар атрофидаги, ишчи поселкаларидаги аҳолининг, шунингдек қишлоқ жойларида яшовчи, лекин ҳеч ерда ишламасдан, давлат ва кооператив магазинларидан сотиб олинадиган арзон нон ҳисобига хусусий чорвачилик билан шуғулланувчи кишиларнинг шахсий фойдаланишидаги молларга едириш учун сарфланиши кўпроқ сабаб бўлмоқда.

Нон, крупа ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едириш аҳоли таъминотининг издан чиқишига сабаб бўлади ва демак, давлатнинг ва халқнинг манфаатларига жавоб бермайди. Жамоатчиликка қарши бўлган бу иш шаҳарлардаги ва саноат марказларидаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш йўлида Партия ва Ҳукумат амалга ошираётган тадбирларга путур етказади. Шу муносабат билан меҳнаткашлар маҳаллий ва марказий совет органларига мурожаат қилиб, нормал бўлмаган бундай ҳолга барҳам беришни илтимос қилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисида СССР Олий Совети томонидан 1953 йил август ойида қабул қилинган қонун, шунингдек Ҳукуматнинг бир қанча Қарорлари билан граждаклларнинг шахсий фойдаланишидаги чорвачиликни ривожлантиришдаги чеклашлар бекор қилинди. Ўтган икки йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг ихтиёридаги чорва моллар сони қуйидагича кўпайди: қорамоллар 1,1 миллион бош, шу жумладан сигирлар 300 минг бош, чўчқалар 600 минг бош, қўйлар 1,3 миллион бош ортди.

Ишчи ва хизматчиларнинг шахсий фойдаланишидаги чорва моллар сони кўпайганлигининг ўзи ижобий фактдир, бироқ бу жамиятимиз учун номатлуб ҳолларга олиб келди. Граждаклларнинг шахсий фойдаланишидаги чорва моллар сонининг кўпайганлиги озиқ-овқат маҳсулотларини ва айниқса нон ҳамда крупани молларга едириш учун сарфлашнинг кўпайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга шаҳарларда, ишчи поселкаларида ва шаҳар атрофидаги қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг баъзи қисми бозорда чорвачилик маҳсулотларининг нархи ҳали ҳам анча қиммат бўлганлигини ҳисоба олиб, бундан спекуляция мақсадлари учун фойдаланмоқда. Спекулянт элементлар молларга едириш учун шаҳарлардаги магазинлардан давлат нархида арзон нон, крупа ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиб, чорвачилик маҳсулотларини бозорда баланд нарх билан сотмоқдалар. Бу спекулянт элементлар саноатда, колхоз ва совхозларда унумли меҳнат билан шуғулланмай қўйганлар ёки кўз бўямачилик учунгина расман колхоз ва совхоз ҳисобида туриб, амалда асосий касб сифатида шахсий чорвачилик билан шуғулланмоқдалар.

Афсуски, спекулянт элементларгина эмас, балки шахсий фойдаланишида чорва моллари бўлган баъзи ишчи ва хизматчилар ҳам чорва моллар учун давлат ер фондининг банд бўлмаган ерларида, давлат ўрмон фонди ерларида ва шу мақсад учун белгиланган бошқа жойларда пичан ўриш йўли билан, шунингдек колхозларда ҳосилни ўриб-йиғиб олишда қатнашиш ва ўз полизларидан ҳосил олиш йўли билан ем-хашак тайёрлаш ўрнига давлат ва кооператив магазинларидан сотиб олинган нон, крупа ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини молларга едирмоқдалар.

Яна бунинг устига, амалдаги қонунларга кўра, шаҳарларда яшаб турган ва ўзининг шахсий чорва моллари бўлган кишилар одатда пул солиғи тўламайдилар, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мажбурияти уларга берилмайди, бу эса уларга чорвачиликни ривожлантирмоқ учун колхозчиларга қараганда рағбатлантирувчи шароит вужудга келтиради. Кўпчи колхозчиларга чорвачилик маҳсулотларини натура билан тўлаш мажбуриятлари ҳамда қишлоқ хўжалик солиғи солинади.

Шаҳар атрофидаги қишлоқ жойларида яшовчи баъзи колхозчилар ҳам чорва моллари боқиш учун давлат ва кооператив магазинларидан ўзлари сотиб олаётган нон ва бошқа маҳсулотлардан фойдаланадилар.

Бундай аҳвол нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини нораціонал сарфлашга олиб келади, меҳнаткашларни нормал равишда таъминлашни бузаётир.

Шаҳарларда, шаҳар атрофидаги жойларда ва ишчи поселкаларида яшовчи аҳолининг ўз ихтиёрида бўлган чорва моллари ва паррандаларни боқиш учун нон, крупа ва картошкага қараганда арзонроқ нарх билан ва зарур миқдорда ем сотишнини таъминлаш йўли билан чорва моллаги нон ва бошқа маҳсулотларни едиришни тугатиш мумкин бўлур эди. Лекин бунинг учун кўп миқдорда қўшимча равишда ем ажратиш керак бўлур эди, ем эса аввало донлан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда давлат бу мақсад учун зарур миқдорда концентрат озуқалар ажратиб беролмайди.

Нон ва крупаларнинг нархини шу маҳсулотлар билан чорва моллари боқишни ноқулай қилиб қўйилган даражада ошириш йўли билан нонни чорва моллаги едиришга қарши кураш олиб бориш мумкин бўлур эди, лекин бизнинг давлатимизнинг бундай йўл тутиши мумкин эмас, чунки нуннинг нархини ошириш миллион-миллион кишиларнинг манфаатларига зарар етказади.

Истеъмолчи гўштни, сутни ва сут маҳсулотларини бозордан сотиб олмасдан, балки магазинлардан сотиб оладиган бўлиши учун шу маҳсулотларни ўзларининг чорва моллари бўлган якка кишилар сотаётган нархларга қараганда арзонроқ нархлар билан давлат савдо тармоқлари орқали сотишни анча кўпайтириш йўли билан шаҳарларда ва шаҳар атрофларидаги жойларда нонни чорва моллаги едиришнинг олдини олиш мумкин бўлур эди. Бундай ҳолда ўз чорва моллари бўлган кишиларнинг давлат магазинларидан сотиб олинадиган нонни чорва моллаги едиришлари улар учун ноқулай бўлиб қолур эди.

Кейинги вақтларда сут ва қисман гўштни тайёрлаш ва харид қилиш анча кўпайди. Бу эса шаҳарларда давлат савдоси йили билан сут ва гўшт маҳсулотларини кўпроқ сотишга имкон берди, бироқ ҳатто катта саноат марказларида ҳам шаҳар аҳолисининг сутга ва айниқса гўштга ўсиб бораётган талаби ҳали ҳам тўла равишда қондирилаётгани йўқ, чунки ҳозирча давлат ихтиёрида шу маҳсулотлар етарли миқдорда мавжуд эмас. Шу сабабли чорвачилик маҳсулотларининг, айниқса гўштнинг бозордаги нархи давлат нархларига қараганда оппиқроқдир. Шунинг учун ҳам ўзларининг чорва моллари бўлган кишилар бу ҳолатдан ўз шахсий манфаатлари учун фойдаланмоқдалар.

СССР Министрлар Совети шаҳар аҳолисининг ўз қўлида бўлган чорва моллаги кўпайтиришини рағбатлантирувчи қонунлари қайтадан кўриб чиқишни зарур деб ҳисоблайди. Шаҳар аҳолисининг нонни ва бошқа озиқ-овқат товарларини кўп сарфлаб чорва моллаги примитив усулда боқаётганлиги ишчи кучини жамиятда унумли меҳнат қилишдан четга тортмоқда, олинаётган маҳсулотнинг — гўшт, сут, тухумнинг единицасига кўп миқдорда меҳнат сарфлашга олиб келмоқда, аҳолининг беқарор қисмини йўлдан оздирмоқда ва социалистик ишлаб чиқаришимизни издан чиқарувчи элементларни туғдирмоқда.

Шу нарсани назарда тутмоқ керакки, гарчи ҳозир ўзларининг чорва моллаги бўлган баъзи кишилар давлат савдосида ва бозорда чорвачилик маҳсулотлари етишмаётганлиги сабабли катта-катта даромад олишлаги мумкин бўлса ҳам, аммо жамоат чорвачилиги ҳамда шу маҳсулотларнинг анча арзонроқ нархлар билан давлат томонидан сотилишини кенгайтириш ҳисобига бу маҳсулотларни кўпайтирган тақдирда ўзларига қарашли чорва моллаги бўлган кишилар учун бундай шароит қолмайди, чунки битта сигир, битта чўчқа, битта қўйни боқиш манфаат етказмайдиган бўлиб қолади.

Бизнинг қонунларимиз жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қаратилган бўлган шаҳарларда (Узоқ Шимолдаги областлар ва автоном республикаларнинг марказлари бундан мустасноди) яшаб турган ва ўзининг чорва моллаги бўлган граждаклларга (колхозчилардан ташқари) пул солиғи солинадиган ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлаги солинадиган бўлсин.

Бир бош мол учун бир йилда (1 июндан 30 июнгача) тўланадиган солиқ ставкалари қуйидагича белгилансин: сигир учун — 500 сўм, чўчқа учун (икки ойликдан каттароқ чўчқа учун) 150 сўм, бир ёшдан ошиқ қўй ёки эчки учун 40 сўм, ишлайдиган от учун 1500 сўм ва бошқа иш ҳайвони учун 750 сўм пул солиғи солинадиган бўлсин ҳамда мажбурият нормалари қуйидагича белгилансин: бир сигирдан — 400 литр сут, бир чўчқадан (тирик ҳолида ҳисоблаганда) 20 килограмм гўшт ва бир қўй ёки эчкидан (тирик ҳолида ҳисоблаганда) 5 килограмм гўшт. Хўжаликда биттадан ошиқ бўлган ҳар бир сигир ёки ҳар бир чўчқа ёки бир ёшдан ошган икки қўй (эчки) учун пул солиғи ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбурияти икки ҳисса қилиниб олинади. Чорва моллаги бўлган граждаклларнинг оиласида ўзи меҳнатга яроқли бўлса ҳам, давлат корхоналарида ва муассасаларида, кооператив ва жамоат ташкилотларида ишлашдан бош тортаётган (рўзғор ишидаги хотинлар ва ўқувчилардан бошқа) кишилар бўлса, пул солиғи ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбурияти белгиланган ставкалар ва нормалардан 50 процент ошиқ олинади.

Солиқ ҳамда гўшт ва сут етказиб бериш мажбуриятлаги 1 июлда бўлган чорва моллар сонига қараб ҳисобланади.

Пул солиғи 1 сентябргача ва 1 мартгача баббаравар бўлиниб тўланади. Сут ва гўшт белгиланган муддатларда топширилади.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига республика, ўлка ва область марказлари бўлмаган катта шаҳарларда яшаб турган ва ўзларининг чорва моллаги бўлган граждаклардан ушбу Қарорда белгиланган пул солиғи ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлаги олишни жорий қилиш, шунингдек гарчи область, ўлка ёки автоном республикаларнинг марказлари бўлса ҳам аммо унчалик катта бўлмаган айрим шаҳарларнинг аҳолисини пул солиғидан ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилиш ҳуқуқи берилсин.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига шаҳарларда яшаб турган ва ўз қўлида чорва моллаги бўлган айрим граждаклларни, корхоналардаги жамоат ташкилотларининг илтимослаги билан, истисно тариқасида, пул солиғидан, шунингдек сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилиш ҳуқуқи берилсин.

СССР Олий Совети Президиумига пул солиғи жорий қилиш ва бу солиқни қўлланиш тартиби тўғрисида Фармон проекти киритилсин.

5. Шаҳарларда яшаб турган колхозчиларнинг хўжаликларидаги меҳнатга яроқли оила аъзоларининг ҳаммаси меҳнат кунларининг белгиланган минимумини ишлаб бераётганликлаги тақдирдагина сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлаги бу хўжаликларга колхозчи хонадонлар учун белгиланган нормаларда солинсин. Агар шу оилаларнинг айрим аъзолаги меҳнат кунлаги белгиланган минимумини узурсиз сабаблар билан ишлаб бермаётган бўлсалар сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлаги уларга якка хўжаликлар учун белгиланган нормаларда ҳисоблаб солинади.

Меҳнатга яроқли айрим оила аъзолаги меҳнат кунларининг белгиланган минимумини узурсиз сабаблар билан 1 июнгача ишлаб бермаган колхозчи хўжаликлаги колхозчиларнинг умумий йиғилишларида ёки вакиллларнинг йиғилишларида тасдиқланиб олинади ва мазкур хўжаликларга шу тасдиқланган рўйхат асосида гўшт ва сут етказиб бериш мажбуриятлаги солинади.

6. Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига шаҳарларда яшовчи кишиларнинг ҳовлиларида мол боқиш учун санитария шароити бўлмаса бундай кишиларнинг ўзларига қарашли чорва моллаги боқишларини тақиқлаб қайишлаги ижозат берилсин.

7. СССР Совхозлар министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, совхозлаги ва ёрдамчи хўжаликлаги бўлган бошқа министрликлар ва бошқармалар, республикаларнинг Министрлар Советлаги, ўлка ва область ижроия комитетлаги маҳсулдор соғин сигирларнинг гўшт учун сўйиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарлардаги аҳолининг қўлида бўлган сигирлар ва бузоқларни совхозларнинг, колхозларнинг ва корхоналардаги ёрдамчи хўжаликларнинг сотиб олишлаги ташкил этсинлар.

Республикаларнинг Министрлар Советлаги, ўлка ва область ижроия комитетлаги шаҳарларнинг аҳолисидан сигирларни ва бузоқларни сотиб олиш бўйича совхозларга, ёрдамчи хўжаликларга ва колхозларга топшириқлар белгилаб қўйсинлар.

8. Белгиланиб қўйилсинки, ўз қўлидаги маҳсулдор соғин сигирларни ва бузоқларни колхозларга, совхозларга, ёрдамчи хўжаликларга, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг зотли ва фойдалансa бўладиган чорва молларни тайёрловчи ва сотувчи конторалаги сотган хўжаликлар, шунингдек гўштбоп қора моллаги, чўчқаларни, қўй ва эчкиларни давлат закупкалаги тартибида сотган кишилар тўлаш муддати етмаган пул солиғидан ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятларидан озод қилинадилар. Ўзларининг чорва моллаги айрим граждаклларга сотиб юборсалар ҳамда сўйиб юборсалар улардан солиқ ҳамда сут ва гўшт етказиб бериш мажбуриятлаги тўла миқдорда ундириб олинади.

9. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига ҳамда ўзларининг совхозлаги ва ёрдамчи хўжаликлаги бўлган бошқа министрликларга ва бошқармаларга шаҳарларда яшовчи аҳолининг хўжаликларидан зотли қора молни зотли қора мол учун белгиланган нарх билан сотиб олишга, фойдалиса бўладиган чорва моллаги эса давлатнинг чорва моллаги закупка қилиш нархлаги бўйича шу чорва молнинг сифатига ва бозор нархига қараб 50 процентгача устама билан сотиб олишга ижозат берилсин.

10. Қишлоқ хўжалик банки зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) муҳтож бўлган колхозларга шаҳарлардаги аҳолидан сигирларни сотиб олмоқ учун 1956 йилда беш йилгача муддат билан кредит бериб ва бу кредитни мазкур кредит олинганидан сўнг иккинчи йилдан бошлаб беш йил ичида ундириб олсин;

б) 1956 йилда совхозларга ва министрликлар (бошқармалар)нинг ёрдамчи хўжаликларига шаҳарларнинг аҳолисидан сотиб олинаётган сигирларнинг қимматини Иттифоқ бюджети маблағлари ҳисобидан тўлансин.

11. СССР Совхозлар министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, ўзларининг совхозлаги ва ёрдамчи хўжаликлаги бўлган бошқа министрликлар ва бошқармалар, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлаги, ўлка ва область ижроия комитетлаги шаҳарларнинг аҳолисидан сотиб олинган чорва моллаги озуқалар ва бинолар билан таъминлаш тадбирларини кўрсинлар.

Москвада меҳмон бўлиб турган Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Сурайё шарафига Эрон элчихонасида қабул маросими

Эроннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Масъуд-Ансорий жаноблаги Москвада меҳмон бўлиб турган Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат Олийлаги ва малика Сурайё Ҳазрат Олиялаги шарафига 28 июнда катта қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат Олийлаги ва малика Сурайё Ҳазрат Олиялаги, шунингдек уларнинг ҳамроҳлаги ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Совет томонидан СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг рафиқаси билан, Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Н. М. Шверник ўртоқлаги, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлаги М. Д. Чубинидзе, К. М. Озолинь, СССР Министрлаги Совети Раисининг ўринбосарлаги В. В. Мацкевич, И. Ф. Тевосян, РСФСР Министрлаги Совети Раиси М. А. Яснов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов ва бошқа расмий шахслар, православия ва мусулмон руҳонийларнинг вакиллаги, фан ва маданият арбоблаги, совет ва чет эл журналистлаги ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлаги, элчихона ва миссияларнинг ходимлаги ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида қадаҳлар кўтарилди.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ЭРОН ШОҲАНШОҲИ МУҲАММАД РИЗО ПАҲЛАВИЙ ВА МАЛИКА СУРАЙЁ ПАҲЛАВИЙНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат Олийлаги, малика Сурайё Ҳазрат Олиялаги ва уларнинг ҳамроҳлаги 28 июнда В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлдилар. Шоҳаншоҳ «Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат Олийлаги»дан деб ёзилган гулчамбарни қўйди.

Ўша куни эронлик меҳмонлар В. И. Ленин номидаги Москва метрополитенининг Катта халқаси трассаси бўйлаб сайр қилдилар ва бир қанча станцияларни кўздан кечирдилар. Метрони томоша қилган вақтда метрополитен бошлиги А. И. Ежов изоҳ бериб борди. Эрон давлатининг пойтахтлаги, область, ўлка марказлаги ва автоном республикаларнинг марказлаги бошлиги, бу иншоотлаги қойил қолгани ва ҳаёт талабларига мос равишда ишлаб чиқилгани ва ишлатилаётгани учун генерал В. И. Волковга ташаккур изҳор қилиб, бундай деди:

— Бу ерга келишимиз биларга қизиқтирарли кўпгина лабораторияларни кўриб чиқиш имкониятини берди. Биз ҳозирги замоннинг юксак техникасини кўрдик. Сизнинг ўқув юртингиз юксак тараққиёт даражасига эришганлиги билан фахрлана олади.

Шоҳаншоҳ академия бошлиғига, унинг ўқитувчилар составига ва ўқувчиларига муваффақиятлар тилади.

Тушлан кейин эронлик меҳмонлар И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводини бориб кўрдилар. (ТАСС).

Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ва малика Сурайё Паҳлавий Москвадан Сталинградга жўнаб кетдилар

СССР Олий Совети Президиумининг ва шахсан СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Эрон шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ҳазрат Олийлаги ва малика Сурайё Паҳлавий Ҳазрат Олиялаги 29 июнь эрталаб Совет мамлакати бўйлаб саёҳатга жўнаб кетдилар. Улар самолётда Сталинградга учиб кетдилар. Улар билан биргаликда Сталинградга уларнинг ҳамроҳлаги — Эрон Савдо министри Иброҳим Кашоний, сенатор Муҳаммад Сайд, генерал-адъютант Яздон — Паноҳ, шоҳ саройининг бош церемониймейстери Мухсин Қорағўзли, сенатор, корпус генерали Жаҳонбоний, дивизион генерали Аядий, мажлис депутати, Теҳрон университетининг профессори Ҳамид Охий, сарой егермейстери Абдулфатҳ Атабэ, шоҳнинг граждан адъютанти Ардешир Зоҳидий, шоҳ гвардиясининг бошлиги, бригада генерали Неъматилла Носирий ва бошқа шахслар ҳам жўнаб кетдилар.

Фрейлиналардан Аълам хоним, Яздон Паноҳ хоним ва Ҳанда Қорағўзлу хоним малика Ҳазрат Олияларига ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

Шоҳнинг ва маликанинг СССР бўйлаб қилаётган сафарида Эроннинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Масъуд Ансорий жаноблаги рафиқаси билан ва ҳарбий атташе бригада генерали И. Вали ҳам ҳамроҳ бўлиб кетдилар.

Самолёт учиб кетиш пайтига азиз меҳмонларни кузатиб қолиш учун Эрон, СССР ва РСФСР давлат байроқлаги билан безатилган Марказий аэродромга СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, Совет Иттифоқи Маршали И. С. Конев, Авиация бош Маршали П. Ф. Жигарев, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, меҳнаткашлар депутатлаги Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлаги бўлими мудири вазифасини бажарувчи А. П. Павлов, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Олий Совет Президиумининг, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг масъул ходимлаги, шунингдек Москвадаги Эрон элчихонасининг ходимлаги етиб келдилар.

А. И. Микоян ва кузатиб қолувчи бошқа кишилар аэродромга келган Эрон шоҳаншоҳини ва маликани табриклашдилар, сўнгра улар билан биргаликда самолёт ёнига қараб йўл олдилар. Улар меҳмонлар билан самимий хайрлашдилар.

Эронли меҳмонларнинг СССР бўйлаб киладиган сафариа Совет томонидан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари М. Д. Чубинидзе, СССР Олий Совети президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, армия генерали В. В. Курасов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Эронлаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. И. Лаврентьев, СССР Олий Совети депутати З. А. Лебедева, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари Б. А. Кочетков уларга ҳамроҳ бўлиб кетилар. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА

Ҳаётнинг ўзи ўргатади

1. ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Оққўрғон район партия комитетининг секретари Обид Усмоновни кундуз куни ўз кабинетидан топдик. У, иқтисодий конференцияга зўр бериб тайёрланмоқда эди. Бу бизни жуда қайратда қолдирди. Ҳозир экишнинг айни қизғин пайти, райкомнинг секретари эса колхозга чиқмай, ўз кабинетида ўтирипти? Биз бу мулоҳазамизни унга билдирдик.

— Менинг шу пайтда кабинетда ўтиришим сизни таажжублантирдими? — деб мийғида кулиб қўйди у, — ўзим ҳам ҳайронман. Бундан бир неча йил илгари апрель ойида докладга тайёрланиб ўтираман деб ўйлай олармидим? Тағин қанақанги доклад денг! Ворошилов номли колхозда пахтанинг ҳар центнери қанчадан тушганлигини ўрганиш. Кўриб турибсизки, доклад ёзиб ўтирибман. Экиш эса кетаяпти. Экилганда ҳам, ёмон экилаётгани йўқ.

Усмонов стол устидаги маълумотларни олди.

— Мана, марҳамат қилинг... Ҳарбир колхоз ўзининг алоҳида экиш графигини тузган. Шунга эътибор берингки, колхозларга райком график ишлаб бермади, балки уларнинг ўзлари ўз графикларини тузиб чиқдилар. Шуни айтиш керакки, айрим колхозларнинг раислари бунга қарши чиқдилар. «Бу қанақаси, графикни ўзимиз тузамизми, райком ўз графигини юборса берсин», деб эътироз билдирдилар. Йўқ, чигитни қандай қилиб тез ва сифатли экиб олиш йўлини ўзингиз ўйлаб кўринг, мустақил ишлашга ўрганинг, ўзларинг ҳал қилиб, жавобгарликни ҳам устларингга олинглар, дедик биз. Баъзи бировларга бундай мустақиллик ёқиқирамади. Юқоридан кўрсатма кутиб ўтиришга ўрганиб қолганлар-да. Аммо контроллик қилишга келганда, жуда қаттиқ талаб қиламиз деб уқтириб ҳам қўйдик. Мана, кўриб турибсизки, иш кетаяпти. Биз колхозларнинг ишнинг аҳволини синчиклаб кузатиб борамиз, колхозларнинг ҳар бир нуқсонини, ҳар бир ютуғини билиб турамиз. Илгари биз хатоликларга йўл қўйган кишиларни бюрога чақирар эдик. Ҳозир эса йўл қўйилган нуқсонларнинг сабабини синчиклаб ўрганамиз ва камчиликларни ўз жойида бартараф қилишга ҳаракат қиламиз. Экиш охирига етиб қолди. Шу вақтгача бирорта кенгаш чақирганимиз йўқ.

Бир неча кундан кейин биз Обид Усмонов билан яна учрашдик. Район чигит экишни муваффақият билан тамомлаган.

Биз райком секретаридан, шундай қилиб, кенгаш чақирмасдан ҳам экишни тугатиб олдингизми, деб сўрадик.

—Ҳа, шундай. Бу кўпларга қизиқ туюлди. Яқинда мен Алимкентда бўлдим. Қишлоқ совети раиси Ўртоқ Бобоев менинг ёнимга келди ва таажжубланиб: «Тушуниб бўлмайди, Ўртоқ Усмонов, экиш тугалланди, лекин бирорта ҳам кенгаш бўлмади».

Усмонов ҳазил омиз қўлини силкиндида, — мана ҳозир бусиз ҳам иш юришиб кетди, — деб кўшиб қўйди.

Бирдан секретарнинг қиёфаси жиддий тус олди.

— Партия XX съезди бизга кўп нарсани, жуда кўп нарсани ўргатди. Биз илгари «команда» бердингми бас, буёғи ўзидан-ўзи бўла беради, деб ўйлардик. Биз колхоз раисларига команда берардик. Лекин кишилар билан маслаҳат қилиш, уларнинг фикрини олиш ҳаёлимизга ҳам келмас эди. Балки биз буни кераксиз деб ўйлаган бўлсак керак. Насиҳат қилиш осон. Лекин бу насиҳатнинг фойдали эканини колхоз раисига, айниқса оддий колхозчиларга тушунтириш жуда қийин эди.

Ўша вақтларда насиҳатгўйликни камроқ қилиб, кўпроқ оммадан ўрганишни ўйламабмиз-да. Ҳа, халқдан кўпроқ ўрганиш керак.

2. «СИЗНИНГЧА ҚАНДАЙ БУЛАРКИН?»

Партия XX съездидан кейин кўпгина партия ходимлари ўз раҳбарлик услубларини тубдан ўзгартирдилар. Илгари «айтилдими, бажар», «биз қарорнинг бажарилишини талаб қиламиз», «кам гапириб, кўп ишлаш керак» каби буйруқ оғиз ибодалар кўп ишлатилар эди. Бунақанги гаплар кишиларга унча ёқиқирамай қолди. Ҳозир эса кишилар билан бамаслаҳат ишлаш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиш — анча фойдали эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Дарҳақиқат, бирор қарорга келишдан олдин тажрибали пахтакорлар, мутахассислар — ернинг ҳарбир қаричини яхши билган кишилар билан маслаҳат қилиб олишдан фақат фойда кўриш мумкин. Бундай кишилар ўнларча йиллар ишлаб бой тажриба орттирганлар.

Яқинда Оққўрғон район партия комитетининг секретари Обид Усмонов Ворошилов номли колхоздаги далачилик бригадаларининг бирида бўлди. Бу ерда ғўза парвариши қизғин бормоқда эди. Лекин тракторчилар квадрат-уялаб экилган ғўзаларни узунасига культивация қилмоқда эдилар. Бу колхозларга берилган кўрсатмани бузиш эди. Гап бундай. Агар ҳозир кўндалангига культивация қилишнинг вақти қўлдан берилса, кейинчалик қийинчиликлар туғилиши мумкин. Анчагина қўл меҳнати сарфлашга тўғри келади. Бу эса пахтанинг таннархини сунъий равишда ошириб юборади.

Райком секретари қоиданинг бузилаётганлигини кўриб, одатдагидек, «команда бериши» ва тракторчиларни кўндалангига культивация қилишга мажбур этиши мумкин эди. Расмий жиҳатдан қараганда бундай қилишга унинг ҳаққи ҳам бор. Бироқ у бундай қилмади. Усмонов одамлар унинг сўзига қулоқ солишини, лекин «команда»ни сўзсиз бажарганларида ҳам тракторчиларнинг юрагида қандайдир шубҳа қолишини биларди. Шунинг учун ҳам у бошқача йўл танлади.

— Нима учун сиз узунасига культивация қиляпсиз? — деб сўради бригада бошлиғи ва универсалчилардан.

Бригада бошлиғи ҳам, тракторчилар ҳам ҳеч қандай асос кўрсата олмадилар. Улар узунасига культивация қилиш бирмунча қулай, деб ўйлаб шундай қилганликларини айтдилар, холос. Усмонов ўз мулоҳазаларини айтиб, улардан: «шундай қилсак, сизнингча қандай бўларкин» деб сўради...

Бригада бошлиғи ҳам, универсалчилар ҳам хусусан ҳозир кўндалангига культивация ўтказиш анча фойдали эканлигини, бу эса пахтанинг таннархини анча камайтиришга ёрдам беришига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Сўнг бизнингча ҳам, шундай қилсак яхши бўлади, деб секретарнинг фикрига қўшилдилар. Узунасига ва кўндалангига культивация қилинганда ҳам, ҳар икковига баббаравар ҳақ тўланишини эса азалдан тушунар эдилар. Тракторчилар ўз машиналарини кўндалангига культивация қилишга мосладилар.

3. ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ЗАИФ...

«Колхоз қолоқми, ундан минг қилганинг билан ҳеч нарса чиқмайди». Илгари иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган колхозлар тўғрисида гап борганда шундай нотўғри гапларни тез-тез эшитиб туриш мумкин эди. Бундай колхозларда яшовчи ва ишловчи кишилар «бу колхоз қачон ўзини ўнглаб оларкин», деб ундан қўл силтаб, умидсизланар эдилар.

Шуни айтиш керакки, айрим партия ва хўжалик раҳбарларининг онгида қолоқ колхоз қолоқлигича қола беради, у билан муроса қилишга тўғри келади, чунки илгор колхозлар районнинг кам-кўстини тўлдириб кетади, ўртача рақамлар ёмон бўлмайди, деган зарарли фикр ҳамон ҳукм суради. Шуни унутмаслик керакки, қолоқ колхозларда ҳам юзлаб колхозчи оилалари бор, улар узоқ йиллаб фидокорона меҳнат қилсалар ҳам, колхозлар жуда кам даромад оладилар. Шунинг натижасида колхозлар қўл силтаб, фақат томорқага суяниб қоладилар.

Партия ташкилотлари қолоқ колхозлар билан расмият учунгина эмас, балки чуқур ва жиддий шуғулланган жойларда колхозларда жуда катта резервлар борлиги ва ишлар юришиб кетганлиги кўринди. Бунга Ўртасарой районидаги Булганин номли колхоз мисол бўла олади. Ҳақиқатан ҳам бу колхоз бир неча йил мобайнида қолоқ бўлиб келди. Бунинг асосий сабаби шунда эдики, битта меҳнатга яроқли колхозчига 6 гектардан ер тўғри келар эди. Шунинг учун ҳам бу хўжаликни кўтариш мумкин эмас деб ўйлар эдилар.

Ўтган йили колхоз пахта тайёрлаш планини бажарди. План бажарилгандан кейин пул ҳам бўлди, колхозчилар руҳанларини тутиб олдилар, иш юришиб кетди.

Хўш, қандай воқиа юз берди?

Жуда оддий. Район партия комитети, район ижроия комитети, МТС раҳбарлари қолоқ колхозлар билан жиддий шуғуллана бошладилар. Райониинг раҳбар ходимлари Булганин номли колхозда узоқ вақт бўлдилар. Улар хўжалик экономикасини ип-игнасигача синчиклаб ўргандилар, кишилар билан самимий суҳбат қилдилар. Район раҳбарлари ва колхозчиларнинг фикри бир ердан чиқди. Механизацияга зўр бериш керак эди. Чигитни квадрат-уялаб экиш, ғўзани узунасига ва кўндалангига машина билан ишлаш хўжаликни кўтаришнинг гарови деб қаралди. Лекин бир қарорга келиш олдидан анча иш қилиш, колхозчилар ўртасила кенг тушунтириш олиб бориш билан бирга, уларни ишонтириш ҳам лозим бўлди. Бирор ҳаёл ёки ташаббусга ишонмаслик ва ишсизлик ҳаётнинг ўзи ва ҳаётий талаблари аввал ишонқирамадилар. Колхозчилар ҳатто ўзларига ҳам ишонмай қўйган эдилар, чунки ўтмишнинг ачиқ тажрибаси уларни анча безиллатиб қўйган эди. Илгари бу ерда «тадбирлар»нинг барча турлари қўлланиб кўрилган эди, лекин бу тадбирлар колхоз ҳаётини ўрганилмай, юқоридан туриб белгиланганлиги учун кўпинча оқибатсиз қоларди. Район раҳбарлари, партия ташкилоти умидсизланмадилар. Кишиларни ўзларининг кучига, механизацияга ишонтира олдилар. Ернинг 98 процентига квадрат-уялаб чигит экилди, ғўзаларни икки томонлама ишлашга киришдилар, чопиқнинг ҳожати бўлмай қолди, унинг ўрнини культивация эгаллади. Колхозда машина асосий куч бўлиб қолди. Ўртасарой 1-МТСнинг механизаторлари яхши хизмат қилдилар. Ғалаба қўлга киритилди. Колхозчилар ўзларининг куч ва қобилиятларига ишондилар, улар ишнинг янада яхшиланиб кетишини пайқаб олдилар.

Планнинг бажарилиши яхши, бироқ колхоз экономикасини ривожлантиришда гектаридан олинадиган ҳосилни оширишга катта аҳамиятга эга. Чигитни квадрат-уялаб экиш ҳосилни оширишнинг бирдан-бир воситаси экани ҳаммага аён бўлиб қолди. Бироқ бу билан колхоз тезда бойиб кета қолмайди. Шундан кейин қолоқ колхозларнинг раҳбарларига кўрсатма берилди:

— Ҳисобламоқ чиқинг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳар бир центнери қанчадан тушишини аниқланг.

Ҳисобладилар. Фақат қолоқ колхозларда эмас, ҳатто «Полярная звезда» каби илғор колхозда ҳам маҳсулотларнинг таннархи жуда юқори экан.

Бунинг сабабини ўргана бошладилар. Қолоқ колхозлардан бири «Коммунизм» колхози 1955 йилда биринчи марта пахта тайёрлаш планини бажарди. Колхозда илгари идора ходимларига меҳнат кунларининг 3 процента ўрнига 6 проценти миқдорида ҳақ тўланиб келинар эди. Чорва моллар сотиб олишга жуда катта пул сарфланарди. Ваҳоланки, буни колхознинг ўзида етиштириш мумкин эди. Трактор ишларининг миқдори ҳам белгиланганидан анча ошириб юборилар, бу эса колхозга жуда қимматга тушар эди. Бу ортиқча харажатларнинг ҳаммаси ҳисоблаб чиқилганда шу нарса маълум бўлдики, агар у бирмунча камайтирилса, колхозчиларнинг ҳар меҳнат кунига қўшимча равишда 2 сўм 50 тийиндан ҳақ бериш мумкин бўлади. Шундай қилиб, раҳбарлар ҳам, колхозчилар ҳам ортиқча харажатлар қисқартирилса, колхоз экономикаси тезроқ ривожланади ва шунинг учун энди сўздан амалий ишга ўтиш керак, деган хулосага келдилар.

Бу йил «Коммунизм» колхозида идора аппарати анча қисқартирилди. Полеводнинг вазифаси агрономга юклатилди. Бригадалар йириклаштирилди, табелчиларнинг сони қисқартирилди, фақат шунинг ҳисобига колхоз бир йил мобайнида 4 минг меҳнат куни тежайди. Трактор ишларида тартиб ўрнатилди.

4. ИЛҒОРЛАРГА ОРҚА ҚИЛИБ...

Шундай ҳам бўладики, айни бир колхознинг ўзида бир бригада ҳар бир гектардан 35-40 центнердан пахта ҳосили олса, бошқа бригаданинг ҳосили 15-17 центнердан нарига ўтмайди. Бир хил шароитдаги икки колхознинг бири давлатга 30 центнердан, иккинчиси эса 15 центнердан пахта топширади. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, кам ҳосил берадиган колхоз ва бригадалардаги резервлар илғорларникидан кам эмас. Шунга эришмоқ лозимки, ҳар бир колхоз ва бригадани илғорлар қаторига кўтарайлик.

Афсуски, илғор иш тажрибаларни пропаганда қилиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг нақадар муҳим эканлигини ҳамма жойда ҳам тўла тушуниб етабермайдилар.

Сиз, агар Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ганиев билан районнинг хўжалиги ҳақида суҳбатлашсангиз, у «Ленин йўли», Ворошилов номли, Куйбишев номли ва шу каби илғор колхозлар тўғрисида завқ билан гапиради. Тўғри, бу колхозлар билан фахрланиш мумкин. Бу хўжаликлар анча мустаҳкам, колхозчилар бадавлат яшайди. Агар сўз Энгельс номли, Калинин номли, Ильич номли ва шу каби бошқа қолоқ колхозлар устига кўчса райком секретарининг табиати анча хира бўлиб қолади. Бу колхозлар райкомдан бирмунча узоқда турадилар. Улар янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган. Бу ерда иш хийли огир. Ишчи кучлари етишмайди, сизот сувлари ер юзига яқин, йўл ёмон. Юзаки қараганда район партия комитети, район ижроия комитети бу кам қувват колхозлар билан жиддий шуғулланаётгандек кўринади. Шу колхозлар ҳақида гап борганда район раҳбарлари: қолоқ колхозлар билан шуғулланиш кўп куч ва энергия талаб қилади, райониинг ўртача кўрсаткичлари планни таъминлаб турганда кейин бундай колхозлар билан шуғулланишнинг нима ҳожати бор? — деб сира тортинмай гапира берадилар.

Ўртача кўрсаткич жуда хавфли. Бу кўрсаткичлар орқасида райондаги аянч фактлар яшириниб қола беради.

Ўрта Чирчиқ район партия комитети илғор тажрибаларни пропаганда қилиш ва ёйишга нотўғри муносабатда бўлмоқда. Райкомнинг раҳбар ходимлари асосий диққатни илғор колхозларга қаратмоқдалар. Уларга ёрдам берилади, у ерда ишнинг бориши доимо кузатиб борилади. Лекин илғор тажрибаларни қолоқ колхозларга ёйишга ҳеч ким аҳамият бермайди.

Район партия комитети узоқдаги барча колхозларга раҳбарлик қилишни райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Пигаев ва МТС директори Акопян ўртоқларга юклаб қўйган. Лекин улар якка ўзлари бу ишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Район партия комитети уларга яқиндан ёрдам бермаётир.

КПСС XX съездидан кейин партия ташкилотларининг иш услуби анча яхшиланди. Лекин бу ҳали дастлабки қадамлардир. Шунга қарамай, бу жуда муҳимдир, чунки партия ходимлари буни жуда яхши ҳис қилмоқдалар. XX съезд партия ташкилотларини раҳбарликнинг ленинча принципларини билан қуроллантирди. Агар айрим раҳбар ходимлар эскича ишлашни давом эттирсалар, турмушнинг ўзи уларни четга чиқариб қўяди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

М. ПУЛАТОВ,
М. ҚУЧҚОРОВ.

«Чимган» санаторийси Бўстонлиқ районидаги энг кўркам жойлардан бирига жойлашган. Унда меҳнаткашлар яхши даволаниб, маданий дам олмоқдалар. **Суратда:** санаторий ошхонаси.

Б. Мазор фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Пухта тайёргарлик билан

Тошкентдаги зооветеринария техникуми ҳар йили республикамиз қишлоқ хўжалиги учун малакали зоотехниклар ва ветеринария фельдшерлари етказиб бермоқда. Шу кунларда техникумда курдан-курсга кўчириш ва ўқув юртини битириш имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда.

Техникум маъмурияти имтиҳонларга тайёргарлик кўраётган ўқувчиларга қулай шароитларни яратиб бермоқда. Мустақил равишда дарс тайёрлаш учун тўртта хона ажратилиб, керакли дарсликлар ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланди. Имтиҳон олинадиган фанлар юзасидан консультацияларга мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Ўқитувчилардан Н. Бигина, Р. Рамозонов ўртоқлар ўқувчиларга малакали консультацияларни бериб, уларни имтиҳонларга пухта тайёрламоқдалар. Техникумда айрим ўзлаштирмовчи ўқувчиларга аълочи ўқувчилар ёрдамини уюштириш яхши ташкил қилинган. Зоотехника бўлимининг 28-группа 1- курс ўқувчилари Турсунов, Раҳмонов, Бозорбоев, ветеринария бўлими 27- группа 2- курс ўқувчилари Асқаров, Абдусатторов ўртоқларга аълочи ўқувчиларнинг яқиндан ёрдам беришлари туфайли улар рус тилидан бўлган биринчи имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар.

Бу йил техникумни 80 га яқин ўқувчи тамомлаб, зоотехник ва ветеринария фельдшери вазифасида ишлаш учун ҳуқуқ берадиган диплом олади. Улар республикамиз колхоз ва совхозларида фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалигимизнинг янада юксалишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

3. МУҲАММАДЖОНОВ.

Ўқувчилар саноат корхоналарида

Ишлаб чиқариш практикаси ўтказилаётган шу кунларда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Жданов номли ўрта мактаб ўқувчилари коллектив равишда шаҳар саноат корхоналарида бўлиб, станокларнинг иш процесслари, деталларни тайёрлаш технологияси, цехларнинг ҳаёти билан яқиндан танишмоқдалар. Ўқувчиларнинг Тошкентдаги мебель фабрикасида ва инструментал заводида ўқитувчи Х. Ҳамроқулов раҳбарлигида ўтказилган ишлаб чиқариш практикаси жуда қизиқарли ўтди.

Практикада А. Отақўзиев, Қ. Орифжонов, С. Ғозиев, Қ. Ғаниев каби ўқувчилар илғор токарь ва слесарларнинг восита раҳбарлигида ҳар бир станокнинг ишлаш процессларини диққат билан ўргандилар.

Улар станокда ишлаш, малакали токарь ва слесарь бўлиш истакларини билдирдилар. Шунингдек ўқувчиларнинг 2-авторемонт, Ильич номли заводларда ҳамда «Қизил олов» артелидаги практик машғулотлари ҳам кўнгилдагидек ўтди.

Э. ҚОДИРОВ,
А. РАФИҚОВ.

Қишлоқ меҳнаткашларига кино хизмати кўрсатиш яхшиланмоқда

Чиноз район маданият бўлими қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишни яхшиламоқда. Бўлим ҳузуридаги 3 та кўчма киноустановка райондаги колхозлар ва МТСларга бориб, ғўзани ғайрат билан парвариш қилаётган пахтакорлар ҳамда механизаторларга яхши хизмат кўрсатмоқда. Бу кўчма киноустановкаларнинг ҳар бири шахмат-шашка, биллиард, газета ва журналлар билан таъминланган. Томошабинлар сеанс бошлангунича газета-журнал ўқийдилар, шахмат-шашка, биллиард ўйнайдилар. Кўчма киноустановкалар колхозчиларга «Стадионда учрашамиз», «Дайди», «Отелло» ва бошқа кўпгина машҳур фильмларни кўрсатдилар.

Бундан ташқари пахтакор ва механизаторларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид фильмлар ҳам кўрсатилмоқда. «Квадрат-уялаб экилган ғўзани парвариш қилиш», «Маккажўхоридан мўл ҳосил олиш» сингари ҳужжатли фильмларни қишлоқ меҳнаткашлари зўр эътибор билан томоша қилдилар. Райондаги Ленин номли, Сталин номли, Орджоникидзе номли ва бошқа колхозларнинг меҳнаткашлари кино хизматидан миннатдор эканликларини билдирмоқдалар.

А. АБДУҒАФФОРОВ.

Маҳаллий газеталар саҳифаларидан

ПАРТИЯМИЗ ЧАҚИРИҒИГА АМАЛИЙ ЖАВОБ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча комсомол ташкилотларига, комсомолларга, барча совет ёшларига қарата чиқарган Мурожаатини областимиз ёшлари якдиллик билан маъқулладилар. Шаҳар ва районлардаги жуда кўп ёшлар партия ва ҳукумат Чақиригига амалий иш билан жавоб бериш учун олтинчи беш йиллик қурилишларида актив қатнашиш истагини билдирмоқдалар.

Янгийўл районида чиқадиган **«Янгийўл»** газетасининг хабарига қараганда, кўп комсомоллар янги қурилишларга боришни истаб район комсомол комитети номига аризалар бермоқдалар. Уларнинг аризалари қисқа бўлса ҳам, жуда мазмунлидир. Газета айрим ёшларнинг аризалари билан ўз ўқувчиларини таништириб жуда тўғри иш қилмоқда.

Ёг заводининг ишчиси В. Сучков ўз аризасида бундай деб ёзади:

«Жонажон партиямиз ёшларни янги шахталар, корхоналар қурилишига отлантирмоқда. Комсомоллар партиямизнинг ишончини бундан кейин ҳам оқлайдилар. Мен ҳам бу шарафли ишдан четда қолмайман. Мени Катта Оҳангарон қурилишига юборишларингизни истайман. Бу катта қурилишда ўз меҳнатимни аямайман».

Турли касб эгалари Ф. Хасанова, Н. Селютина, Л. Гальникина ва бошқа ёшлар ҳам ўз аризаларида қурилишларга бориб фидокорона меҳнат қилишга аҳд қилганликларини ёзадилар.

Паркент район **«Суръат»** газетасининг хабар қилишича, янги қурилишларга боришни истаб ариза берган ёшларнинг истаги район комсомол комитетида тўла қувватланган. Яқинда уларнинг бир группаси Катта Оҳангарон қурилишида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРГА ЧЕК ҚУЙИЛИК!

Пискент район **«Пахта учун кураш»** газетаси конкрет экономикани ўрганишга, ҳар бир нарсани тежаб-тергаб сарфлашга кадрларимизнинг эътиборини қаратмоқда. Шу муносабат билан газетада «Иқтисодий темада» деган рубрика ташкил қилинди. Унда босилаётган хабар ва мақолалар қадрларимизнинг иқтисодий билимларини оширишга яқиндан катта ёрдам беради.

1- МТСнинг инструктор-бухгалтери Ўртоқ Р. Зоировнинг колхозларда меҳнат кунларини тўғри сарфлашга бағишланган мақоласи анча диққатга сазовордир. Мақола автори маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнатни камайтириш ҳали ҳам айрим колхозларда қониқарли бажарилмаётганини таъкидлайди. Бу эса, меҳнат кунларининг ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда. Бундай камчилик, айниқса, Ленин номли колхозда ҳамон давом этиб келмоқда. Колхоз правлениеси ўтган йили ишлаб чиқариш учун 260 минг меҳнат куни сарфлашни планлаштирган эди. Лекин правлениеда бунга қаттиқ риоя қилинмади, кўп ишлар сифатсиз бажарилди, бу эса ортиқча меҳнат кунларининг сарфланишига сабаб бўлди. Натижада 260 минг ўрнига 312 минг меҳнат куни сарфланди. Колхоздаги транспорт воситаларидан тўғри фойдаланилмаганлиги орқасида биргина машина кирасининг ҳақи учун колхознинг 26 500 сўм пули кетган.

Колхозда ўтган йили йўл қўйилган бу камчиликдан ҳали ҳам етарли хулоса чиқариб олингани йўқ. Ленин номли колхозда ортиқча харажатлар, кераксиз маъмурий-идора ходимларининг штати кўп. Ҳосилот, мироб, чорвачилик ферма мудирининг ёрдамчиси, секретарь, экспедитор, табелчи, ферма ҳисобчиси, дурадгор, қоровуллар, уборщицалар ва хат ташувчилар колхозда 25 кишини ташкил қилади ва уларга йилига 100 минг сўмга яқин пул тўланаётир.

Бундай ортиқча харажатлар, кераксиз штатлар Сталин номли, Андреев номли, Киров номли ва бошқа колхозларда ҳам анчагина бор. Вазифа—колхоз раҳбарлари конкрет экономикани чуқур ўрганишлари, илғор колхозлар тажрибаси асосида хўжаликка раҳбарлик қилиб, юқоридаги штатларни қисқартиришлари, уларнинг кўпини ўриндошлик йўли билан бажаришга эришмоқлари керак.

«Бунинг учун, — деб уқтиради мақола автори, — **идора қоровули хат ташувчилиини, сувдан фойдаланиш агрономи мирабликни, ферма ветеринария фельдшери ферма ҳисобчилигини бемалол олиб бора олади. Ферма мудирининг ёрдамчиси эса мутлақо ортиқча ва кераксиз штатдир».**

Бундай тадбирларни ҳар бир колхозда амалга ошириш колхозчилар маблағини тежайди, меҳнат кунларининг қимматини кескин равишда оширади.

ДАМ ОЛИШ КУНИДА

Бекобод шаҳрининг ишчилари дам олиш кунларини кўнгилли ўтказмоқдалар. Ҳар бир дам олиш куни ишчилар турли манзарали жойларда бўладилар, экскурсияларга чиқадилар, яхши дам оладилар **«Социалистический Беговат»** газетаси ўзининг кейинги якшанба сонида шаҳарда дам олиш куни қандай ўтгани ҳақида қисқа-қисқа хабарлар босиб чиқарган.

«Бугун металлург-комсомолларнинг катта бир группаси экскурсия қилгани Самарқандга жўнаб кетди. Экскурсиячилар шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари ва маданий жойлари билан танишиб қайтадилар...

Катта Султон ҳовуз нўли асботруба заводи ишчиларининг севимли жойларидан бири бўлиб қолди. Деярли ҳар дам олиш кунида завод слесарларидан А. Ребко, И. Батько, механик А. Шопен ва бошқалар бу ерга келиб балиқ овлайдилар. Балиқчилар сазан, сом балиқларини овлаш учун бугун эрталаб кўлга жўнаб кетдилар».

Металлургия заводининг касаба союз ташкилоти ишчиларнинг санаторий ва дам олиш уйларида дам олишлари учун 5000 сўмлик путёвка сотиб олди.

1956 ЙИЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАЙЛИК

УЧИНЧИ КВАРТАЛ ҲИСОБИГА

Москваликларнинг олтинчи беш йиллигининг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган ташаббусга қўшилган Тошкентдаги 14- нон заводининг коллективи ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқда. Корхона коллективи меҳнат унумдорлигини оширишга ва маҳсулот таннархини камайтиришга имкон берадиган янгилан-янги резервларни қидириб топиб ишга солмоқда. Шу сабабли корхонада ўн кунлик ва ойлик топшириқлар систематик равишда тўла ва ошириб бажарилмоқда.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари 6 ойлик планни муддатидан илгари — 15 июндаёқ бажардилар. Шу кунларда III квартал ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона коллективи иш суръатини янада ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

МОНТАЖЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

«Союзпроммонтаж» бошқармаси Чирчиқ участкасининг коллективи монтаж ишлари суръатини ошириш мақсадида социалистик мусобақани кенг қизитиб ишламоқда. Монтажчилар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб ишлашлари натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш ва бажарилган ишларнинг таннархини камайтиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Участкада меҳнат унумдорлиги пландагидан 15 процент оширилди. 5 ойлик план 119 процентга етказилиб адо этилган эди. Коллектив эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун астойдил ишлади. Натижада 6 ойлик план ҳам муддатидан илгари анча ортиги билан бажарилди.

Участка кўрсаткичларини яхшилашда рационализаторлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган ойлар мобайнида тўпланган 26 та таклифдан 22 таси амалга оширилди. 5 ой мобайнида давлатнинг 600 минг сўмлик маблағи тежаб қолинди

Йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада Бичков ва Слепков ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар олдинда бормоқдалар. III квартал ҳисобига ишлаётган монтажчилар эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Т. УНАБОЕВ.

ШАХТЁРЛАР КУНИ ШАРАФИГА

Оҳангарондаги кўмир разрезининг кончилари Шахтёрлар куни шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини тобора оширмоқдалар. Улар ҳар суткада ўтган йилнинг худди шу даврдагига қараганда 700 тонна ортиқ кўмир қазимоқдалар.

Йил бошидан бери социалистик мусобақада ёш тор техники Наум Бурштейн раҳбарлик қилаётган участка коллективи биринчи ўринда келмоқда. Коллектив ярим йиллик планни муддатидан илгари бажарди ва июль ойи топшириғидан бир неча тонна ёқилғи қазиб чиқарди.

Экскаватор машинисти Одил Абляметов ўзига бириктирилган кучли техникадан унумли фойдаланмоқда. У ҳар сменада планга қўшимча равишда 300-350 тоннадан ёқилғи қазимоқда.

Кон устини очиш разрезининг коллективи ҳам астойдил меҳнат қилмоқда. Экскаватор машинистларидан Ф. Келлер ва П. Енжеевский ўртоқлар алоҳида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Илғорлар тажрибасини қўлланиш натижасида улар смена топшириғини бир ярим ҳиссага етказиб бажармоқдалар.

Ф. ПЕТРОВ.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАСИ

Олмалиқ шаҳридаги 3- қурилиш бошқармасининг бош механиги Ўртоқ Довев Э-205 маркали экскаваторларни модернизациялаш технологиясини ишлаб чиқарди. Янги технологияга кўра экскаваторларга ичдан ёнар двигателлар билан бир қаторда, электромоторлар ҳам ўрнатилади. Энди экскаваторлар ичдан ёнар двигателлар воситаси билан ҳаракатга келтирилади, забойларда эса арзон электр энергияси ёрдами билан ишлайди.

Яқинда ккита ярим кубали машина белгиланган технология асосида модернизация қилинди. Механика мастерскойлари цехида зарур бўлган узел ва деталлар, жумладан кўчма трансформаторлар тайёрланди. 20 кун давомида 1500 деталь ва узел монтаж қилинди.

Модернизациялаш натижасида ер қазувчи экскаваторларнинг иш унуми 2 марта ортди. Йилига 950 минг сўм иқтисод қилиш имконияти яратилди. Ҳозир механика мастерскойларида учинчи экскаватор ҳам ана шу усулда модернизация қилинмоқда.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

Пропагандистлар тайёрлаш курси

Яқинда Тошкент область партия комитети ҳузурида очилган пропагандистлар тайёрлаш бир ойлик курсида машғулотлар давом этмоқда. Курсда областнинг шаҳар ва районларидаги саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги экономикасини ўрганиш тўгараклари учун пропагандистлар ва семинар раҳбарлари тайёрланади. Курс қатнашчилари составида саноат корхоналарининг инженер-техник ходимлари, экономистлар, колхоз, совхоз ва МТСларнинг агрономлари, зоотехниклари, механизаторлар, район партия комитетларининг инструкторлари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари бор.

Пропагандистлар тайёрлаш курсида қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқаришнинг экономикасини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Курсда лекция ўқиш учун Тошкент шаҳар олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, фан кандидатлари ва мутахассислар жалб қилинди. Область партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири Ўртоқ Горбунов «Тошкент области саноат корхоналарининг олтинчи беш йиллиқдаги вазифалари», Молия-иқтисод институтининг ўқитувчиси, иқтисод фанлари кандидати Ўртоқ Сапильников «Колхоз ишлаб чиқаришида меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш», «Таштекстильмаш» заводининг бош инженери Ўртоқ Глушченко «Саноат корхоналари экономикасини ривожлантиришда техника прогрессининг роли», Орджоникидзе районидаги Сталин номли колхоз раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ўртоқ Маннонов «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда меҳнатни кам сарфлаб, унинг унумдорлигини оширишдаги тажрибаларимиз» сингари темаларда лекция ўқимоқдалар.

Курсда семинар машғулотларидан ташқари курс қатнашчиларининг областдаги энг йирик саноат корхоналари ва колхоз ҳамда совхозларга экскурсиялари ҳам уюштирилаётир.

Июль ойида ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилиб, уларнинг яхши ривожланишига эришайлик!

Ғўза парвариши илғорлари

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Сталинград» колхозининг ўртоқ М. Қорахўжаев бошлиқ бригадасида 60 гектар ердаги ғўзалар ҳозиргача икки марта культивация, чопиқ қилинди ва озиқлантирилди. Қунт билан парвариш қилинаётган ғўзалар вақтида қондириб суғорилмоқда. Шу кунларда ҳамма ердаги ғўзалар ёппасига гуллаётир. Бригада аъзолари ҳар бир гулни кўсакка айлантириш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Т. Урунов.

* * *

МИРЗАЧЎЛ. «Қизил юлдуз» колхозининг 61 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топшириш учун курашаётган коммунист ўртоқ Ғ. Хуршидов бошлиқ бригадасининг аъзолари ғўза парваришини уюштиришда ҳаммага намуна бўлаётирлар. Бригада аъзолари озиқлантириш, суғориш, культивация, чопиқ ишларини бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориб ҳамма ерда ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишига эришаётирлар.

А. Юсупов.

* * *

БЕКОБОД. Дзержинский номли колхознинг ўртоқ Абдурасул Бойбўтаев бошлиқ бригада пахта майдонларида ёппасига гуллаётган ғўзаларда колхозда ҳаммадан олдин биринчи кўсаклар тугила бошлади. Бригада аъзолари меҳнатни тўғри ташкил этган ҳолда ғўзани агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, ҳар бир гулни нобуд қилмасдан кўсакка айлантириш учун курашаётирлар.

Н. Охунов.

* * *

ЧИНОЗ. Ленин номли колхознинг ўртоқ Сайдиниса Хайдарова бошлиқ звеносининг аъзолари ўтган йили 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олган эдилар. Звено аъзолари бу йил чигит экишга қандай пухта тайёргарлик кўриб, уни барвақт экиб олган бўлсалар ғўза парваришини ҳам намунали қилиб ўтказмоқдалар.

Звенонинг Ҳ. Хайдарова, О. Умматқулова, Ҳ. Турматова каби илғор чопиқчилари кунлик нормани 1,5-2 ҳисса қилиб адо этаётирлар. Шунинг учун ғўза орасида бironта ҳам бегона ўт кўринмайди. Шунга ўхшаш уста сувчилардан И. Умирзоқов, Ю. Нурматов ўртоқлар ҳам зўр маҳорат кўрсатмоқдалар. Улар эгат бошига най ўрнатиб, ғўзани кеча-кундуз суғормоқдалар.

Ғ. Алибоев.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Тельман номли колхознинг ўртоқ Маман Қўлдошев бошлиқ бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, ўзларига қарашли майдонларда ғўзанинг иккинчи культивациясини, чопиғини муваффақиятли тугаллаб навбатдаги парвариш ишларини қизитиб юбордилар. Қатор ораларини бундан кейинги ишлашда механизациядан тўла фойдаланишнинг таъмин этилиши суғоришнинг тўғри уюштирилишига боғлиқ. Шунинг учун суғориш ишлари тажрибали пахтакор М. Қурбонов ва М. Мамажонов ўртоқлар раҳбарлигидаги сувчилар группаси томонидан олиб борилмоқда.

Т. Отақулов.



Мирзачўл районидаги 2-МТС[illegible]нг тракторчиси Эгамберди Худойбердиев «Коммуна» колхозида ишлаб, ғўзаларни юқори сифатли парвариш қилиб бераётир. **Суратда: ўртоқ Э. Худойбердиев** иш устида.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Илғорлардан ўрнак олмаётирлар

Ўртоқ Тилов Маманов бошлиқ 4-бригада Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг энг юқори ҳосилли бригадаларидан ҳисобланади. Бу бригада аъзолари ўз традицияларини давом эттириб, ғўза қатор ораларини ишлашни комплекс равишда олиб бораётирлар.

Колхозда хизмат қилаётган 2-МТСнинг Турғун Бастамов бошлиқ 8-трактор бригадаси механизаторлари билан ҳамкорликда ишлаётган бригада аъзолари кунданкунга янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ғўза ўз вақтида сифатли парвариш қилинаётганлиги учун бригаданинг ҳамма майдонларида ғўзалар ёппасига гуллади. Ҳар бир туп ғўзада 4-5 тадан гул санаш мумкин. Бригада бу муваффақиятларга меҳнат интизомининг тўғри йўлга қўйилганлиги ва колхозчилар ўртасида агитация ишлари — илғорларни рағбатлантириш, қолоқларга кўмаклашиш ва социалистик мусобақа шартларига жиддий риоя қилишга бўйсиндириш туфайли эришди.

Аммо колхозда илғорлар тажрибасини ўрганмовчи бригадалар ҳам бор. Масалан, ўртоқ Саид Остонов бошлиқ 7-бригадани олайлик. Бригада далаларидаги ғўзаларнинг ўсиши бошқа бригадалардагига қаратанда 12-13 кун орқада қолган. Айрим карталардаги ғўзалар энди шоналамоқда. Яганаининг сифатсиз ўтказилганлиги туфайли кўпгина уяларда ҳали ҳам 4-5 тадан ўсимлик ўсмоқда. Бу эса ўсимликларнинг ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун бригаданинг 14 гектарлик картасида ғўзалар уч хил бўлиб қолган. Картанинг бош томонида ғўзалар жуда яхши ривожланган. Шоналар гулга айланиш олдида турибди. Ўртасида эса, бир марта суғорилган, лекин қатор ораларини ишлашни комплекс равишда олиб бораётирлар. Аммо колхозчилар ишлашни ҳаммасидан ёмон бажарганлиги сабабли ўсимликлар ҳали ҳам 4-5 тадан ўсмоқда. Бу эса ўсимликларнинг ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун бригаданинг 14 гектарлик умуман ўсишдан тўхтаган. Картанинг охирида ҳар 4-5 қадамда бир туп ғўза кўриш мумкин. Бу ерда чигит тўла униб чиқмаган.

Бригадада меҳнат интизоми бўш. Иш эрталаб 6 ўринга 8 яримда бошланади, жуда эрта, кеч соат 8 га етмасдан тугайди. Бригада аъзолари дала ишларига тўлиқ қатнашмайди. Кунига 4-5 киши ишга сабабсиз чиқмайди.

Шунингдек колхознинг М. Собитов бошлиқ 10-бригадасида ҳам худди шундай аҳвол рўй бермоқда. Колхозда бундай камчиликларга йўл қўйилганлигининг асосий сабаби илғорлар тажрибаси оммалаштиришмаётир. Ҳосил тўплаш учун курашда колхоз деворий газетаси байроқдор бўлиши керак эди. Лекин «Пахта учун кураш» деворий газетаси (редактори ўртоқ Нуъмон Алиев) пассивлик қилмоқда. 1 майдан буён газетанинг бирорта сони чиқарилган эмас.

Дала шийпонларида «Жанговар варақалар тез-тез чиқариб турилмаётир. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти илғор бригадаларнинг ғўзалари билан маҳрулланиб, қолоқ бригадаларга ёрдам бермаётир.

А. МУҲАМЕДОВ.

Совхознинг илғор бригадаларида

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг ишчи, хизматчилари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари пахтадан юқори ҳосил етиштириш мақсадида ғўза парваришини қулай агротехника муддатларида сифатли ўтказиш учун астойдил меҳнат қилаётирлар.

Ғўза парваришида 3-бўлимнинг Ё. Усанов, К. Қорабоев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ўзларининг самарали меҳнатлари туфайли бошқа бригадаларга намуна бўлаётирлар. Бу бригадаларда ғўза парвариши бир-бирига мустаҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Бригадаларнинг мавжуд пахта майдонларидаги ғўзалари шу кунгача уч марта ҳам узунасига, ҳам кўндалангига культивация қилинди. Ҳозир 4-культивация бошлаб юборилди, икки марта озиқлантирилди.

Шу кечаю-кундузда ҳар икки бригаданинг ғўзалари тўкис шоналаб, шоналари гулга айланмоқда.

С. ҲАМРОЕВ.

Барча бригадаларни илғорлар даражасига кўтарайлик

Ўртоқ Турсун Назарова бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили фақат Андреев номли колхозда эмас, балки бутун Оҳангарон районида юқори ҳосил олишга эришган эдилар. Улар ўтган йили қўлга киритган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бу йил 65 гектар пахта майдонларининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашаётирлар. Ана шу олий мақсад билан бригаданинг ғўзалари ўз вақтида яганаланди, узунасига ва кўндалангига 3 марта культивация қилинди, 2 марта чуқур кетмон чопиғи ўтказилди. Ҳозир 2- суғориш тугалланиш олдида. Бригаданинг 38 аъзоси кунлик чопиқ нормасини ошириб бажараётирлар. Бригада бошлиғи ўртоқ Турсун Назарова гоҳ сув суғоради, гоҳ қўлида кетмон билан чопиққа киришиб кетади. У, ўзининг унумли меҳнати билан барча колхозчиларни илҳомлантирмоқда. Бригаданинг звено бошлиқларидан Ойнисо Сайдуллаева, Назарова, Умаров ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5-2 ҳисесадан ошириб бажармоқдалар. Аммо колхознинг бошқа бригадаларида аҳвол яхши эмас.

Ўртоқ Аҳмадали Қурбонов бошлиқ бригаданинг 32 гектар ердаги ғўзаси ҳалигача биринчи суғоришдан чиқарилмаган, ғўзалар сувсизликдан қовжираб ётибди. Ғўзаларни ёввойи ўтлар ўраб олган. Айниқса, Сайфутдин Мақсудов ва Абдулла Тўраев бошлиқ звеноларнинг ғўзалари сувсизликдан чанқаб ётибди. Ўртоқ Ғозиёбов бошлиқ 2-бригадада ҳам ҳалигача бир марта суғорилмаган ва озиқлантирилмаган ғўзалар бор. Бу бригадаларнинг дала шийпонлари ҳам безатилмаган, сиёсий-оммавий ишлар олиб борилмайди.

Колхоз раҳбарлари илғор бригаданинг иш тажрибасини қолоқларга ёйиш учун ҳаракат қилмаётирлар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Сувчилар мўл ҳосил учун курашда

Октябрь районидаги Ленин номли колхознинг пахта далалари баланд-паст ва кунгай бўлиб, бошқа ерларга қараганда, экинларнинг ўсув даврида кўпроқ суғоришни талаб қилади.

Шуни эътиборга олган колхоз правлениеси суғориш ишларини сифатли ўтказиш юзасидан бирмунча тадбирларни кўрди. Колхозда энг тажрибали сувчилардан 38 киши доимий суғорувчи қилиб ўз бригадаларига бириктириб қўйилди. Ғўзани тобига қараб суғориш ва унинг сифатли ўтказилиши юзасидан колхоз агрономи Ўртоқ М. Ўталов бошчилигида комиссия тузилган. Комиссия аъзолари доимо ғўзаларни суғориш устидан пухта контроллик қилаётирлар.

Ҳамма бригадаларда тунги суғориш ташкил қилиниб, сувчилар фонарлар билан таъмин этилганлар.

Колхознинг сувчилар коллективи 570 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштириш учун замин тайёрлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Айниқса, суғориш ишлари ўртоқ Ҳаким Нурматов бошлиқ бригадада намунали ўтказилмоқда. Бригадада Усмон Сидиқов, Алибой Шобўтаев, Мелибой Қулиев, Беркинбой Ёрқулов ва Чақан Оқбоев ўртоқлар сингари тажрибали сувчилар хизмат қилаётирлар.

Колхозда ҳозиргача 570 гектар пахта майдони бир марта озиқлантирилиб, 2 марта суғорилди. Ҳозир 2-озиқлантириш билан учинчи суғориш ўтказилаётир.

Д. СОДИҚОВ.

Кино

Халқ талантлари ҳақида фильм

Қўшиқ кишига ҳаётда, меҳнатда, курашда йўлдошдир. Қўшиқни қалбнинг таржимони дейдилар. Баъзан қўшиқ бир муҳаббат ҳароратининг ҳис-ҳаяжонини иккинчи юракка олиб ўтади. Халқимиз қўшиқни севади. Уни қадрлайди. Ҳаётда чашмадек қайнаб турган халқимизнинг талантли қўшиқлари етишиб чиқмоқда. Санъатимиз кундан-кунга юксалмоқда. Пойтахтимиз кино экранларида кўрсатилаётган «Севимли қўшиқ» музикали бадиий фильм қардош озарбайжон халқининг шаклан миллий мазмунан социалистик санъатининг юксалаётганлигидан далолат берувчи фильмдир.

Тамошабин экранда фильмнинг бошланишиданоқ ёқимли куйларни, ўзига кўпдан бери таниш артистнинг хуш овозини эшитиб, ҳаяжонланади.

Фильмнинг ғояси Советлар Ватанида халқ талантларига катта эътибор берилаётганлигини, оддий ишчидан машҳур куйчи даражасига кўтарилган киши образини яратишдир. Бу мураккаб вазифани фильм коллективи асосан аниқ ва тўғри ҳал қила олган.

Бахтиёр Муродов ҳунар мактабини тамомлаб ота касбини давом этдириш — нефтчи бўлиш орзуси билан яшайди. Лекин Бахтиёрнинг ёқимли овози бор. У машҳур қўшиқчи бўла оладиган тугма талантли бола. Бахтиёрни эса ота касбини эгаллаш орзуси қийнар эди. У ҳунар мактабида ўқийди, нефть корхонасида оддий ишчи — нормаловчи, сўнгра мастер бўлиб ишлайди, охири консерваторияда ўқиб, отақли куйчи бўлиб етишади.

Фильмнинг конфликти тўғри ҳал қилинган. Бахтиёрнинг талантидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган Огабола Гусейновга, шунингдек шуҳратпараст Юсуфга санъат ривожланишининг ҳақиқий тарафдорлари бўлган профессор Ражапов, Ҳасан тоға, Сашалар қарамақарши қўйилади. Бу қарама-қаршиликларнинг натижаси янгиликнинг эскилик устидан қонуний галабаси билан тугайди.

Уч ажралмас қадрдон дўстнинг ўз орзуси бор. Бахтиёр нефтчи, Саша геолог бўлишни орзу қилади. Юсуф шуҳратпараст бола. — У даугеар бўлишни хоҳлайди. Йиллар ўтиб Бахтиёр ва Сашаларнинг дўстлиги муҳаббатга айланади. Саша ва Юсуф Москвага ўқишга кетади. Нефтчи Бахтиёр рашк қилиб Саша билан аразлашиб қолади. Бундан фойдаланган Юсуф Сашани ўзига оғдириб олиш пайига тушади. Юсуф ўз севгисини дўстликдан юқори қўяди. Лекин бу мақсадга эриша олмайди.

Фильмда Бахтиёр ролини Озарбайжон ССР халқ артисти Рашид Бейбутов устаслик билан ижро этган. Бахтиёр Муродов — Рашид Бейбутовнинг нефть корхонасидан ишдан қайтаётганида, ўртоқлари билан ёшлар балига бораётганда айтган қўшиқлари жуда ёқимли. Рашид Бейбутов ҳар бир қўшиқни унинг мазмунига хос ҳаракат, мимика билан ижро этади. Бахтиёр ва фильмда иштирок этувчи Заҳра, Гулзарларнинг қўшиқлари ҳам фильм мазмунига сингиб кетади. Заҳра (артист С. Гаджиева), Гулзар (артист М. Калантарин) бир мартагина текшириш комиссияси олдида айтган қўшиғида халқ куйи, халқ музикасининг жўшқинлигини намойиш қила олади. Бу ишда қўшиқ текстларини ёзган Р. Риза, Э. Элибейлининг, композитор Б. Кулиевнинг хизматлари мақтовга сазовордир.

Саша Москвадан ёзган хатларида Бахтиёрнинг албатта куйчи бўлиши учун ҳаракат қилиши кераклиги ҳақида маслаҳат беради. У, Бахтиёр ёнига қайтиш истаги билан яшайди. Юсуфнинг ҳаракатлари унга таъсир қила олмайди. Артистка Т. Чернова шўх, жиддий характерли қиз Саша образини жонли гавдалантирган. Саша ҳам Бахтиёрни қаттиқ севади. Лекин фильмда кўрсатилганидек Сашанинг Юсуфга қатъий қарши турмаслиги унга Москвадаёқ тегишли кескин жавоб бериб юбормаслиги тамошабинни иккилантиради. Юсуф шахсий манфаатини дўстликдан юқори кўйдиган бўлиб қолади. У хатларида ҳам Саша тўғрисида ёлғон-яшиқ гапларни ёзади. Бу образни артист Ф. Мустафаев бўш ижро этган. Тамошабин Юсуфга нисбатан нафратланади. Унинг жазоланишини, қаттиқроқ зарбага учрашини кутади. Лекин ана шу нарса фильмда очилмайди.

Фильмда Бахтиёрнинг ўртоқлари Юсуф билан Москвага кетаётган Сашани Баку станциясига етмасданоқ тушириб олиб, уни Бахтиёр билан учраштиришлари кўрсатилиб, конфликт ҳал қилинади. Лекин сценарий авторлари Юсуфни жиддий хулосага олиб келмайдилар. Фильм охирида Юсуф вокзалда Сашани учратиш ўрнига унинг холасини учратиб қолиши кўрсатилган. Юсуф қайта тарбияланади. Кейинроқ унинг тақдири нима бўлди, Юсуф Бахтиёр билан дўстлашиб кетдими ёки тамоман дўстликдан узоқлашадими — буни билиб бўлмайди.

Талантлар яратувчиси сифатида шуҳрат қозонмоқчи бўлиб юрган Огабола Гусейнов (артист А. Герайбеков) пул учун муккасидан кетган одам. У ўзини ҳақиқий куйчи яратувчи, санъат ҳомийси қилиб кўрсатишга уринади. Бахтиёрдан ўз киссасини пулга тўлдириш учун фойдаланади.

Огабола фойдасига хизмат қилаётган Бахтиёр овозининг бузилиб қолишидан хавф олган Гасан тоға (артист И. Эфендиев) Бахтиёрнинг ҳақиқий куйчи бўлишига ишонган профессор Ражапов (артист М. Шейзамонов) Бахтиёрни Огабола қўлидан чиқариб олишга ҳаракат қилади. Артист Герайбеков ҳар бир ҳаракатида кулги қўзғатиш билан Огабола характерини очиб беради. Бунга бутун маҳоратини сарф қилади.

Фильмда консерваторияда Бахтиёрнинг ўзигина кўрсатилади. Мақсад санъатнинг ривожланаётганлигини кўрсатиш бўлганлигидан кейин консерватория картинасида бошқа ёш талантлар ҳам кўрсатилса фильмнинг қиммати ошган бўлар эди.

Фильмнинг тарбиявий аҳамияти катта. Социалистик мамлакатимизда ҳунарларнинг бир-биридан фарқи йўқ. Ҳар қандай касб эгаси — куйчи ҳам, нефтчи ҳам халқ ишига ажойиб ҳисса қўша олади. «Янги қўшиқ» фильми эса ана шу муҳим темани — халқ талантларининг ижодий юксалишлари учун биз янги мамлакатимизда ҳамма имкониятлар яратиб берилганлигини тасвирлайди.

Ф. РАҲИМОВ,
З. АБДУЛЛАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Илғорлар ҳисобига“

«Тошкент ҳақиқати» газетасида юқоридаги сарлавҳа билан таниқдий мақола босилиб, унда Тошкент шаҳар қурилиш трестининг ёмон ишлаётгани, қурилиш-монтаж коллективи олган социалистик мажбуриятни бажармай келаётгани, ётоқхона, мактаб ва шу каби қурилишларни кечиктириб юбориши, техникадан етарли фойдаланмаслиги ҳамда бошқа жиддий камчиликлар очиб ташланган эди.

Главташкентстрой бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Азизовнинг редакциямизга хабар беришича, мақола қурилиш-монтаж, партия-хўжалик активлари ҳамда қурувчилар жанжашида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилган. Ташгорстройтрест (у янги ташкил этилган Главташкентстройга қўшилган) маъмурияти газетада кўрсатилган нуқсонларни ҳисобга олган ва ишни яхшилаш, қурилиш-монтаж ташкилотларини тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлашга жиддий эътибор берган.

Катта канал бўйидаги колхозда

Парторг Шодмонова бизни икки четида ям-яшил дарахтлар саф тортган арава йўлдан бошлаб кетди. Йўлда колхоз қишлоғининг қиёфаси ҳақида гаплашиб бордик. Гир-гир эсаётган тонги муздек шабада кишига ҳузур бахш этарди. Тол ва тераклар енгилгина тебранар, япроқлар эса, чапак чалиб шитирларди. Узоқда, бепоён далаларда шижоат билан кезаётган тракторлар моторининг гуриллаб янграши қулоққа чалинарди. Чап ва ўнг томонда қатор тизилиб, кўзни қувонтираётган пешайвонли, бежирим оқ уйлар қишлоқ ҳусни ҳусн қўшган.

— Шу ер ҳам чўл бўлганми?

Қўққисдан берилган бу савол шеригимизга наша қилди шекилли, бизга қўшилиб хандон отиб кулиб юборди.

— Ҳа, чўл эди, — деди парторг, сўнг сўзини давом эттириб бундай деди, — бу ерлар бир вақтлар чўл бўлган эди, энди исми жисмига тўғри келмай қолди, кўрмаган одамлар исмига қараб нотўғри тасаввур қиладилар; якин келажакда Мирзачўл бир бутун-яхлит чаманга айланади, чўлдан асар ҳам қолмайди, қардош Қозоғистондан ўтган дашт ерларни ҳам чаманзорга айлантирамиз.

Икки километр чамаси йўл босгач, ниҳоллари яшнаб ўсаётган боққа рўпара келдик. Шодмонова яна мароқ билан сўзлай кетди:

— Нимасини айтасиз. Мана, 280 хўжаликка эга бўлган биргина бизнинг колхозни олинг. Ўтган йили колхозчилар учун 110 та янги типдаги қўшхонали данғиллама уй-жой биносини қурдик. Молхона, чўчқахона сингари бир қанча иморатлар қад кўтарди. Бу йил 500 кишилик катта клуб, правление идораси ва бошқа binolar қурмоқчимиз.

— Бу боғ шу йил барпо қилинган шекилли? — сўрадик биз.

— Ҳалиги айтганим, мевазор боғимиз шу, 23 гектар ерни эгаллайди. Олма, узум, анжир, қўйингки, жами мевалардан бор. Хуллас, бунақанги колхозлар Мирзачўлда эҳ-ҳа, бир талай топилади. Ҳар бир колхозда бу хилда ободончилик бўлаверса, чўл қоладими? Айтганча салкам ярим гектар ерда атр гулларимиз ҳам бор...

Дарвоқи тўғри, бу гулларга бир қўнган булбулнинг қайтиб кетгиси келмайди. Ажойиб сайроқ бўлипти. Мирзачўл эндиликда гуллар, булбуллар макони, битмас-туганмас «оқ олтин» конига, яшнаган боғ-бўстонга айланипти...

Парторг Шодмонова Мирзачўл ҳақи[illegible] гапирар экан, унинг овозида қандай[illegible] ҳароврат, жўшқинлик борлиги сезилиб [illegible]рди.

...Биз колхоз раиси Туроб Йўлдо[illegible] Носир Маражапов бошлиқ 3-бригад[illegible]ларида учратдик. У, гуркираб ў[illegible] ғўзаларни узунасига ва кўндал[illegible] культивация қилаётган универсал[illegible] ишини кўздан кечирмоқда эди.

— Илғор бригадаларимиздан, — деди раис, — ўтган йили ҳар гектаридан 32 ярим центнердан ҳосил олиб, планни ортиғи билан бажаришди. Ана бригадирнинг ўзи ҳам келаяпти.

Бригадир кўринишдан тетик, сергайрат киши эди. У, салмоқлаб, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапирарди.

— Бу йил мўлжалингиз қандай, Носир ака?

— Шартномамиз 33 центнер, лекин 40 центнердан ҳосил берамиз деб мажбурият олдик. Аҳд қилдик, бажармай қўймаймиз. Кўриб турибсиз, — деди у қўли билан яшил ғўзаларга ишора қилиб, ишимизнинг бориши чакки эмас, ғўзамиз учинчи парваришда.

— Рост, колхозимизнинг олди ғўзаси шу. Буларнинг сўзи билан иши бир — деб қўшиб қўйди раис.

Кенг, яхлит картада ишлаётган икки универсалнинг бири узунасига, иккинчиси эса кўндалангига кезар эди. Культивациядан кейин далада яшнаб ўсаётган ғўзаларга назар ташлаш нақадар қувончли. Ғўза қатор ораси шахмат тахтасига ўхшайди — булар яшил квадратлар.

— Квадрат мўл ҳосилнинг манбаи экан, унга энди тушундик, — деди раис шу бригада билан мусобақадош Бўрон Шаймардонов бошлиқ бригада ерлари томон борарканмиз. — Ўтган йили колхоз бўйича 225 гектар ерни квадрат-уялаб экиб, ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олдик, бу йил 500 гектар ерга квадрат-уялаб, қолган 200 гектарига тор [illegible]таб чигит экдик. Келгуси йил уни [illegible]рат қилиб юборамиз.

[illegible]дратда ҳикмат кўп.

[illegible]масини айтасиз. Бу усул ту[illegible]мма ишни техника бажармоқда. [illegible]киб, ўзи парвариш қилади, энг за[illegible] ғўзани ҳартомонлама парвариш қилади. Қанчаю-қанча ишчи кучи тежалади. Энди, ишчи кучлардан сабзавот, боғдорчилик, беда, чорва ишларида дурустроқ фойдаланиш учун имконият туғила бошлади.

Раис квадрат ҳақида сўз очар экан, колхоз ҳаётидан мисоллар келтириб сўзларди. Боя йўлда келаётганимизда парткомнинг секретарисимиз ҳар бир янги ва муҳим масала устида правление аъзолари билан маслаҳатлашиб туради. деган сўзига ишонч ҳосил қилдик. У чигитни квадрат-уялаб экишнинг афзаллигини исботлаш мақсадида 5 ва 10-бригадалар ишини ҳикоя қилиб берди. Ўтган йили бу икки бригаданинг 90 гектар пахта майдони бўлиб, ёз бўйи атиги 12 киши ишлаганлигини, барча ишлар комплекс механизация усулида бажарилиб, натижада ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта ҳосили олинганлигини батафсил баён қилди.

Ленин номли колхоз кейинги 2-3 йил ичида Мирзачўл районидаги илғор колхозлар қаторига қўшилди. Илгари бу колхоз камқувват колхозлардан эди. Қолоқликдан чиқиш учун колхозда озмунча ишлар қилинмади. Барча мавжуд механизация ва от-улов кучлари воситаси билан катта-катта ишлар бажарилди. Суғориш шохобчалари тартибга солинди. Асрлар мобайнида ернинг таркибига сингиб кетган шўрни ювиш ишлари кенг кўламда олиб борилди.

Бунинг учун дастлаб катта-кичик зовурлар қазилди. Ер зардоби ташламаларга силқиб, далаларнинг рангги яшарди. Агар ердан мўл ҳосил олиш ният қилинар экан, у ҳам бошқа нарсалар сингари ўзига нисбатан яхши парваришни талаб қилади. Илгор агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда йилда ёки икки йилда бир алмашлаб экиш ва маълум вақтларда маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар билан озиқлантириб туриш орқасида ер анча тобга келтирилди, семиртирилди. Натижада олинаётган ҳосил миқдори йил сайин орта борди. Бир неча йиллардан буён колхоз давлатга пахта топшириш планини ортиғи билан бажариб, илғорлар қаторида рапорт берадиган бўлди. Ўтган йили пахта плани 117 процент бажарилди. Эндиликда ҳеч ким Ленин номли колхозни камқувват демайди, аксинча, «бақувват, миллионер колхоз» деб атайдиган бўлишди. Ўтган йили колхоз беш миллион сўм даромад қилди. Колхоз аъзолари ҳар бир меҳнат кунига 8 сўм 40 тийиндан пул ва 2,5 килограммдан ғалла олишди. Айрим бригада аъзолари ҳар бир меҳнат кунига 15 сўмгача пул олишга муяссар бўлдилар.

Асосан пахтадан олинган мўл ҳосил колхозни оёққа турғизди. Колхозчилар бадавлат бўлиб илгаригига нисбатан янада тотли ҳаёт кечира бошладилар.

Кейинги йиллар ичида колхознинг пахтачиликдан бошқа хўжаликлари ҳам кенг ривож топди. Чорвачилик фермалари кенгайди, соғин сигирлар сони анча ўсди. Ҳозир колхоз 200 та йилқи, 700 та қўй, жуда кўп эчки ва 20 та она чўчқага эга. Ўтган йили чўчқачилик фермаси колхозга 114 минг сўм даромад келтирди, бу йил 300 минг сўм даромад қилиш мўлжалланмоқда. Қўзилатиш, шунингдек қорақўл терилари тайёрлаш плани бу йил муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Колхоз чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. 150 гектар беда зордан ташқари бу йил яна 50 гектар ерга беда экилди. Эски бедазорларга эрта кўкламда турли ўғитлар солиниб борона қилинди. 60х60 усулида 40 гектар ерга жўхори экилди. Бу йил ўтган йилдагига кўра икки ҳисса кўпроқ силос бостирилади.

Булардан ташқари, колхоз 20 гектар ерда қовун-тарвуз, картошка, сабзавот экинларини парвариш қилмоқда.

Биз, Бўрон Шаймардонов, Ҳомилжон Шокиров бошлиқ бригада ерларида ҳам универсалчилар ғўзани культивация қилаётганини кўрдик. Парторг Шодмонова боя 3-бригаданинг дала шийпонида таъриф-лаб берган илгор механизатор Василий Свистов ғўзаларини ўз агрегати билан культивация қилаётган экан.

Эгнига комбинезон кийиб олган, кенг кифтли бу йигит яшил қаторлар оралаб, ўз агрегатини дадиллик билан йўрғалатар эди. Унинг фурашкаси тагидан чиқиб турган жингалак сочлари офтобда қорайган юзига ярашиб турарди, тракторчиларга хос салобат Василий Свистовда ўз ифодасини топган эди. У қўли билан раисга имканидир ишора қилди. Бу участкада культивация бугун тамом бўлади, дегани экан.

— Комсомол ёшлар бригадаси шу бригада, — деди раис мамнуният билан, — азаматлар 35 центнер учун курашмоқдалар. Бригаданинг 18 аъзосидан 16 киши комсомол, ҳаммаси ҳам ғўза тилини биладиган новқирон йигитлар, ғайратлари зўр. Бригада бошлиғи Ҳомилжон янгиликни севувчи, уқувли, эпчил йигитлардан. Бригаданинг 3-культивациядан чиққан ғўзалари чамандек шоналаб, гуркираб гуллямоқда.

Колхозда 2-Мирзачўл МТСнинг Бахтиёр Шодиев бошлиқ тракторчилар бригадаси хизмат қилмоқда. Свистов, Раимов ўртоқлар бу ердаги ғўзаларни культивация қилишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Михаил Астрелин, Александр Маслинский каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳам ишлари мақташга сазовор. Трактор бригадасининг механиги Шодиев ҳамма вақт далада, у бригададан бу бригадага елиб югиради. У, тракторларнинг мунтазам ишлаб туриши учун тинмай ғамхўрлик қилади. Тракторчиларга яқиндан ёрдам бериб, уларнинг ишини енгиллаштиради, машиналарнинг яхши ишлаши учун кўмаклашади.

Биз колхоз далаларини айланарканмиз, уста пахтакор 50 центнерчи звено бошлиғи Раззоқ ака Қўшоқов, илгор сувчи Тўқлибува Усаров, колхознинг 2-участка хосилоти Улуғмурод ака Қўшмуродовлар билан учрашдик. Улуғмурод ака участкасида ҳам ғўза парвариши қизғин ва сифатли олиб борилмоқда. Тўқлибува ўтган йили 8-бригаданинг 77 гектар ғўзасини сифатли қилиб суғориши натижасида 480 меҳнат куни ишлади. Ёши 65 да бўлса ҳам у, ўзини йигитлардек тетик ва бардам ҳис қилади. Биз кекса пахтакорни бригада ғўзасини суғоришга тайёргарлик кўраётган чоқда учратдик.

— Ғўзани суғориш осон иш эмас, — дейди Тўқлибува, — сув ғўзани яшнатади ҳам, яксон қилади ҳам. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин деганларидек, биз тараган сув ғўзани гуркиратади, ҳолос. Негаки шу касбда соч-соқолимиз оқарди.

Ғўзаси гуркираб ўсаётган яхлит карталарга, бепоён далаларга боқиб тўймайсан, киши. Тепасида қизил байроқлар ҳилпираётган оқ уйлар — дала шийпонлари олисдан яшил денгизда сузиб бораётган елканни эслатади. Ғўзани чопиқ қилаётган меҳнатсевар хотин-қизларнинг қувноқ ялласи, трактор моторларининг садоси келгуси мўл ҳосилдан дарак бериб турипти. Поёнсиз далаларда яшил квадратларга жойлашиб, яшнаб ўсаётган ғўзаларга боққанинг сари боққинг келади. Ҳаммаган ана шу яшил квадратларда! Яшил квадрат — бу, пахтачиликда истиқбол йўлидир. Ленин номли колхоз аъзолари шу йўлдан бориб, бу йил ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун астойдил курашмоқдалар. Бу колхознинг меҳнатсевар аъзоларининг ўз мақсадларига албатта эришишларига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Улар бир сўзли кишилар!

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
М. ИКРОМОВ.

СОВЕТ-ЛИВАН МУЗОКАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚУШМА АХБОРОТ

Ливан Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов 1956 йил 25 июндан 28 июнгача Ливанда бўлди. Д. Т. Шепилов Байрутда бўлган вақтида уни Ливан Республикасининг Президенти Комил Шамун жаноб олийлари қабул қилиб, унинг билан дўстона суҳбатларда бўлди.

Д. Т. Шепилов Байрутда бўлган вақтда музокаралар олиб борилди. Бу музокараларда совет томонидан СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов, СССРнинг Ливандаги вакили С. П. Киктев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлими мудири Г. Т. Зайцев қатнашдилар. Ливан томонидан музокараларда бош министр Абдаллох Яфий, Ташқи ишлар министри Салим Лоҳуд ва Ливан Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Фуад Аммун қатнашдилар.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида Совет-Ливан муносабатлари масалалари юзасидан, шунингдек СССР билан Ливанни қизиқтираётган халқаро муҳим проблемалар, шу жумладан араб мамлакатларига доир проблемалар юзасидан кенг ва рўй-рост фикр олишилди.

Иккала томон муҳокама қилинган масалалар юзасидан бир хил фикрда эканликларини таъкидлади ва СССР билан Ливан ўртасидаги дўстона муносабатларнинг традицион характерда эканлигини мамнуният билан қайд қилиб, иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни янада ривожлантириш ҳар иккала халқнинг манфаатларига жавоб беради деб ва тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим ҳиссаси бўлади деб эътироф қилди.

СССР билан Ливан ўртасида яхши давом этиб турган дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида иккала томон СССРнинг Ливандаги миссиясини ва Ливаннинг СССРдаги миссиясини элчихоналарга айлантириш тўғрисида келишди.

Иккала томон Совет Иттифоқи билан Ливан Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришни истаганлигини билдирди.

Иккала томон яна бир марта қайд қилиб ўтдики, Совет Иттифоқи билан Ливан Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар БМТ Устави принципларига ва Бандунг конференцияси маъқуллаган принципларга асосланади. СССР ва Ливан ҳукуматлари ана шу принципларга амал қилади. Иккала ҳукумат тинчлик манфаатларини кўзлаб ҳамкорликни давом эттиришга қарор қилганликларини таъкидлайди, ўзларининг бу соҳадаги куч-ғайратлари, шунингдек тинчлик иродаси билан руҳланган бошқа давлатларнинг куч-ғайратлари халқаро кескинликни янада юмшатишга ва умумий тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради деб ишонади.

СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов Ливан Республикаси Президенти Комил Шамунга ўзи учун ўнғай бўлган вақтда СССР Олий Совети Президиумининг меҳмони бўлиб Совет Иттифоқига келиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов номидан таклифнома топширди.

Президент Комил Шамун бу таклифни қабул қилди ва таклиф учун К. Е. Ворошиловга ҳамда СССР Олий Совети Президиумига ташаккур изҳор қилди.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ Д. Т. ШЕПИЛОВ АФИНАГА КЕЛДИ

АФИНА, 28 июнь. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов бугун Афинага келди. Элленикон аэродромида Д. Т. Шепиловни СССРнинг Грециядаги элчиси М. Г. Сергеев, Миср, Сурия, Ливан, Болгария, Чехословакия дипломатия вакиллари кутиб олдилар. Греция томонидан СССР Ташқи ишлар министрининг Греция Ташқи ишлар министрлигининг протокол бўлими бошлиғи кутиб олди. Аэродромда Афина аҳолисидан кўп киши, Афина, Пирей муниципалитетларининг вакиллари, грек ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Д. Т. Шепилов аэродромда қуйидаги баёнотни қилди: «Ҳурматли жаноблар! Қадимги ва гўзал Эллада тупроғига қадам қўяр эканман, мен грек халқига ва Греция ҳукуматига Совет Иттифоқи халқлари ва Совет ҳукумати номидан бахт-саодат тилаб, муваффақиятлар ва осойишталик тилаб изҳор қилган истакларимни топширишим билан ҳурсандман. Мен Грециянинг шонли пойтахти Афина аҳолисини — инсоният маданиятини ривожлантиришга гоят катта ҳисса қўшган шаҳар аҳолисини ҳам самимий табриклайман. СССР ва Греция халқлари ўртасидаги традицион дўстлик алоқалари қадимдан давом этиб келмоқда. Совет Иттифоқи Греция билан бўлган ўз муносабатларини тинч-тотув яшашдан ва амалий ҳамкорликдан, территориал бутунликни ва суверинитетни ўзаро ҳурмат қилишдан, тўла тенгликдан ва бир-бирининг ички ишларига аралашмасликларидан иборат маълум принциплар асосида олиб бормоқда. Ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ўз тақдирини, ўзидаги тартибларни ўзи хоҳлаганича белгилайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш ишида ҳали фойдаланилмаган катта имкониятлар бор. Совет ҳукумати ана шу имкониятлардан кенг фойдаланиш тарафдоридир. СССР билан Греция ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш халқларимиз манфаатларига хизмат қилади. Мен аминманки, Афинага келишим сизнинг мамлакатингизнинг давлат арбоблари билан шахсий алоқалар ўрнатиш учун қулай имкониятлар беради. Бундай алоқалар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда зарур ҳамжиҳатликни, ишонч ва самимийликни вужудга келтиришга ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради ва халқлар ўртасида тинчликни ҳамда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилади».

Афинага бораётган вақтда ва шаҳар ичида тўп-тўп бўлиб йиғилган атроф ва пойтахт аҳолиси Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министрини қизғин табриклади.

Бугун Д. Т. Шепилов Греция ташқи ишлар министри Авероф билан учрашади.

«Муштум»нинг янги сони.

Г. Бойков фотоэтюди. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНГАНЛИГИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

Совет ва Венгрия делегациялари ўртасида самимий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида олиб борилган музокаралар натижасида 1956 йил 28 июнда Москва шаҳрида Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида илмий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

Битимда СССР билан Венгрия ўртасидаги маданий ҳамда илмий алоқаларни янада ҳар тарафлама ривожлантириш, фан, адабиёт, санъат, олий таълим, маориф, педагогика, матбуот, радио эшиттириш, телевидение, кинематография, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт соҳаларидаги тажриба ва ютуқларни кенг алмашлаб туриш кўзда тутилади.

Битимни:

СССР Ҳукуматининг ваколатита биноан — Маданият министри Н. А. Михайлов,

Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматининг ваколатига биноан — Маданият министри Й. Дэрваш имзоладилар.

Битимни имзолаш вақтида Совет томонидан СССР Маданият министрининг Ўринбосари Г. А. Орвид, СССР Фанлар академиясининг бош илмий секретарининг Ўринбосари Н. М. Сисакян, СССР Олий таълим министрининг Ўринбосари М. А. Прокофьев, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5- Европа бўлими мудири вазифасини бажарувчи К. Д. Левичкин, СССР Маданият Министрлигининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Венгрия томонидан Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг 1- Ўринбосари Эндре Шик, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи институтнинг Бош Секретари Имре Хорват, Венгрия Халқ Республикаси Маориф министрлиги Бошқармасининг Бошлиғи Томаш Порош, ВХР Фанлар академиясининг Секретари Мате Майор, Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитети Фан ва маданият бўлими мудирининг Ўринбосари Агнеш Кеньереш, ВХР Ташқи ишлар министрлиги Совет бўлимининг бошлиғи Ласло Мораз, шунингдек Венгриянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ференц Мюнних ва Москвадаги Венгрия элчихонасининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Д. Т. ШЕПИЛОВНИНГ БАЙРУТДА БЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БАЙРУТ, 28 июнь. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепиловнинг Байрутда бўлиши муносабати билан кеча кечқурун СССРнинг Ливандаги вакили С. П. Киктев катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Ливан бош министри Абдуллоҳ Яфий, ташқи ишлар министри Салим Лоҳуд ва бошқа министрлар, парламент депутатларидан катта группаси, ташқи ишлар министрлигининг ва бошқа министрликларнинг масъул ходимлари, Байрутдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, Ливан жамоат ва сиёсий ташкилотларининг жуда кўп вакиллари, ХХР маданият арбоблари делегациясининг раҳбари Бурҳон, маҳаллий ва чет эл журналистлари ва бошқа шахслар ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида ҳаммаси бўлиб 700 дан кўпроқ киши ҳозир бўлди.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

«ОЗОД ВА МУСТАҚИЛ МИСР УМУМИЙ ТИНЧЛИК ИШИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚУШИШГА ТАЙЁРДИР»

Миср президенти Носирнинг инглиз ва америка газеталари мухбирлари билан қилган суҳбати

ҚОҲИРА, 28 июнь. (ТАСС). «Алаҳбор» газетасининг ёзишича, Миср президенти Жамол Абдил Носир Англияда чиқадиган «Дейли геральд» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида Миснинг бошқа мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ва улар билан ҳамкорлик қилишга интилаётганлигини айтган.

«Эндиликда, — деган Носир, — Миср мустақилликни қўлга киритган ва унинг территориясида чет эл қўшинлари қолмаган бир вақтда Миср халқи ўз тарихида янги боби очмоқда. Биз бу боб нинг чинакам дўстлик ва ҳамкорлик боби бўлишини истаймиз. Биз ўз куч-ғайратимизни мамлакатимизни қуришга бағишлаймиз. Миллий экономикани мустаҳкамлаш ва социал тафовутларни бартараф қилиш сиёсатимизнинг асосини ташкил этади. Биз бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга муҳтожмиз. Биз ўзимиз билан ҳамкорлик қилишни истаётган ҳар бир давлат билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биз фақат бир нарсани талаб этмоқдамизки, у ҳам бўлса — бу ҳамкорлик бизнинг суверинитетимизга ва ички ишларимизга тўғридан-тўғри ёки сиртдан аралашишга олиб келмасин».

«Ашшааб» газетасининг ёзишича қараганда, президент Носир Америкада чиқадиган «Ньюс дей» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида бундай деган: «Миср ҳеч қандай чет эл ҳукмронлигига бўйсуниш ниятида эмас... Миср ҳар қандай чет эл васийлигини рад этмоқда ва ўз иқтисодий ҳамда сиёсий структурасини барпо этиш масалаларида тамомила эркин иш кўришни истайди. Озод ва мустақил Миср бошқа давлатлар билан бирликда умумий тинчлик ишига ўз ҳиссасини қўшишга тайёрдир».

БОЛГАРИЯ ВА КХДР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚУШМА АХБОРОТ

СОФИЯ, 28 июнь. (ТАСС). Бугун Софияда Болгария Халқ Республикаси ва Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегацияси ўртасидаги музокаралар тамом бўлди.

Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети раиси Антон Югов ва КХДР Министрлар кабинети раиси Ким Ир Сен қўшма баёнотни имзоладилар. Баёнотда қайд қилиб ўтилишича, музокаралар самимий ва дўстона вазиятда ўтган. Иккала ҳукумат вакиллари Болгария билан КХДР ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилганлар ва халқаро масалалар юзасидан фикр олишганлар.

Иккала ҳукумат илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида яқин фурсатда музокаралар бошлашга ва 1957 йилда узоқ муддатли савдо шартномаси тузишга қарор қилганлар. Маданий алоқаларни ва ҳамкорликни кенгайтириш тадбирлари белгиланган. Болгария ҳукумати КХДРга товарлар ва материаллар билан бепул ёрдам беришга тайёр эканлигини айтган. Бу тўғрида махсус битим имзоланган.

Иккала ҳукумат халқаро аҳволга баҳо беришда тамомила бир фикрда эканликларини билдирганлар.

„Ким бўлсам экан?“

Ҳар соат 7. Максим Горький номидаги шаҳар болалар парки шаҳар мактабларини битирувчи йигит-қизлар билан гавжум. Парк байрамдагидек безатилган. Аллеяларга шаҳар саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўсиш диаграммалари, стендлар, панноолар ва ишлаб чиқариш илғорларининг портретлари қўйилган. Боғда музика садолари янграмоқда. Қувноқ ва бахтиёр йигит-қизлар ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлишиб рақс тушар ва ҳар хил ўйинлар билан машғул эдилар. Баъзилари «Ким бўлсам экан?» деган масала ҳақида ўз мулоҳазаларини ўртоқлашар, корхона ва олий ўқув юртларига бориш олдидан қилмоқчи бўлган ишлари ва келажак орзулари ҳақида қувона-қувона гапирардилар.

Мана боғнинг ёзги концерт зали. Залда 10- синфни тугатиб қўлига ҳаёт йўлланмаси — етуклик аттестати олган ўқувчилар билан бирга шаҳар саноат корхоналари ва олий ўқув юртларидан таклиф этилган вакиллар ҳам бор. Трибунага биринчи бўлиб чиққан шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Р. Ғуломов бахтиёр йигит ва қизларни 10- синфни муваффақиятли тугатганликлари билан қизғин табриклади. Уларнинг ўз истиқболлари ҳақида ҳозиржаноқ пухта ўйлаб, ўзларига ёққан касбни танлаш, ҳаёт қучоғига йўл олаётганларида янглишмасликлари ва меҳнатга тўғри муносабатда бўлиб, халқ учун, Ватан учун фидокорона меҳнат қилишлари ҳақида сўзлайди.

— Мен, — деди Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёш илғор тўқувчиси Ўртоқ Скорая, — комбинатда илғор тўқувчилар қаторида ишлаш билан бирга, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртида ҳам ўқимоқдаман.

Сиз ёшларга ҳам бизнинг комбинатга бориб ишлашингизга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларингизни янада оширишларингизга маслаҳат бераман.

Кечада сўзга чиққанлардан Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлигига қарашли Чкалов номидаги заводнинг илғор ишчиси Риков, Ўрта Осиё политехника институтининг V курс студенти Олимжонова етуклик аттестатини олган ёшларга севимли касбни танлаш масаласига оид қимматли маслаҳатларни бердилар.

Кеча охирида Навоий номли опера ва балет театрининг артистлари концерт қўйиб бердилар.

Паркнинг аллеяларида эса ҳар хил оммавий ўйинлар бўлди. Шаҳар спортчилари иштирокида ажойиб гимнастика ва акробат ўйинлари кўрсатилди.

Кеча ёшларда катта таассурот қолдирди.

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.
М. МИРҲОЛДОРОВ.

Шаҳар биринчилиги учун

Тошкент шаҳар биринчилиги учун олий ўқув юртлари ўртасида футбол бўйича ўтказилган мусобақалар тамом бўлди. Мусобақаларга 10 команда иштирок этди. Ярим финал мусобақаларидан сўнг САГУ, ТИИИМСХ ва физкультура институти командалари финал мусобақаларида учрашиш ҳуқуқини олган эди. Финал учрашувларида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИИМСХ)нинг командаси энг кучли команда эканлигини кўрсатади. Бу команда футболчилари 7 учрашувда 38 очкога эга бўлдилар.

«Пишчевик» стадионида ТИИИМСХ—командаси физкультура институти футболчилари билан охирги марта учрашди.

Ўйиннинг биринчи ярмида ТИИИМСХ командаси штраф беради. Лекин шунга қарамасдан бу команда футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва рақиб команда дарвозасига бирин-кетин 6 тўпни уриб киритишга муваффақ бўлдилар. Физкультура институтининг футболчилари фақат бир тўпни киритишга муваффақ бўлдилар, холос. Шундай қилиб охирги учрашув 6:1 ҳисоби билан ТИИИМСХ командаси фойдасига ҳал бўлди. Бу команда Тошкент шаҳар чемпиони номини олди.

* * *

Ёшлар командалари ўртасида футбол бўйича клуб биринчилиги учун ўтказилган мусобақалар 120 га яқин ёш футболчи қатнашди. Узоқ давом этган жиддий курашлардан сўнг И. Зубарев тренер бўлган «Локомотив» командасининг футболчилари барча учрашувларда ғолиб чиқдилар. Улар 18 имкониятдан 18 очко олдилар. «Локомотив» командаси охирги марта «Пишчевик» стадионида «Пишчевик» командаси билан учрашди. Бу учрашувда ҳам темир йўлчилар 4:1 ҳисоби билан ғалабага эришдилар.

* * *

Ўтган дам олиш куни «Пишчевик» стадионида III фабрика-завод спартакиадаси программаси бўйича физкультура коллективлари ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги учун футбол мусобақалари бошланди. Дастлаб «Ўзбексельмаш» командаси билан граждан ҳаво флотининг футболчилари учрашдилар. Бу учрашувда ҳар икки томон футболчилари активлик билан ўйнаб 3:3 ҳисоби билан ўйинни дуранг қилдилар.

А. КИМ.

Ироданинг кучи

Бу воқеа Улуғ Ватан урушининг охирги йили, Германиянинг таслим бўлиши арафасида юз берган эди. «Виллис» маркали енгил машина асфальт кўча бўйлаб учиб борарди. Сокинлик. Лекин фронтда бундай жимжитликка ишониш хавфли. Чекиниб кетаётган душман бизларникини чалғитиш учун кичик-кичик отряслар қолдириб кетган. Шунинг учун ҳам ниҳоятда эҳтиёт ва хушёр бўлиш керак. Шофер билан ёнма-ён ўтирган сержант Юрий Павлов кенг даланинг ҳар ер, ҳар еридаги кичик-кичик ўрмончаларга тикилиб қарарди. Аммо у ердаги нарсалар бекиниб ётган душмандан гувоҳлик бермас эди.

Асфальтланган кўчанинг бурилишига келганда тўсатдан ўқ товуши эшитилди. Шу топда Юрийнинг чап қўлига биров қамчи билан тушургандек бўлди. Шинельнинг енгидан илиқ қон силқиб оқа бошлади. Юрий воқеани англаб олишга улгурмаган ҳам эди, чакалакзорлар орасидан бир неча фашист югуриб чиқди. Сержант машинанинг олди ойнаси орқали автоматдан немисларга қараб ўқ узди. Улардан бирининг жон ҳолатда қорнини чангаллаганича қулаганини Юрий ўз кўзи билан кўрди. Шундан сўнг нима бўлганини у эслай олмади.

«Шунда машинамизни мина учириб юборган бўлса керак» — дейди Юрий ўша кундарни ҳотирлаб. У дала госпиталида ўзига келди. Врачлар Юрийнинг иккала оёғини ампутация қилишди. Юрий иккала оёғидан ажралди. Орқа умуртқа суякларининг чиқаб бўлмас даражада оғриши уни ҳатто қимирлашга ҳам қўймасди.

Юрий Павлов госпиталда даволанар экан чуқур ҳаёлга чўмиб, узоқ тунларни уйқусиз ўтказди. Босиб ўтган йўллари кинолентадек кўз олдидан бир-бир ўта бошлади.

Ёш ватанпарвар Юрий мамлакат бошига оғир кулфат тушгач, 16 ёшида фронтга кетади. Уни кўнгилли комсомолларнинг Киров Байроқли Биринчи батальонига қабул қиладилар. Юрий соф виждон, ҳалоллик ва сабот билан ўз ватанини ҳимоя қилди. Қизил Байроқ, Биринчи даражали Улуғ Ватан уруши, Шуҳрат орденлари, Ленинград мудофаси, Кенигсбергнинг олиниши, Совет Заполярьесининг озод қилиниши ва Германия устидан ғалабада қатнашгани учун берилган медаллар Юрий босиб ўтган жанговар йўлнинг шонли гувоҳидир. Бу орден ва медаллар Юрийнинг душман билан қаерларда аёвсиз кураш олиб борганлигини йўлчи-юлдуздек кўрсатиб турипти.

Бир сўз билан айтганда Юрий ўзининг гўзал ёшлик даврини, куч ва иродасини бекорга сарфламади. Унинг қонга бўялган комсомол билети Ленинград мудофаси музейида сақланмоқда.

— Бу воқеалар ҳаммаси орқада қолди. Энди бундан буён нима қилишим мумкин? — деб ўйлардим, бутун вужудини дард-иллат қоплаб олган Юрий, — оёғим йўқ, шикастланган қўлим бўлса жонсиздек шалвираб турипти, умуртқам ҳам жойида эмас. Хўш, шу алпқада яшаб бўлармикан?! Ёки ўлганим тузукмикин? — Шу тобда унинг кўзи олдида мактабдаёқ танишган севимли қаҳрамони Павел Корчагин образи гавдаланди. — Йўқ, йўқ, йўқ! Унга ҳам жуда оғир бўлган эди, ахир шунда ҳам у қаётдаги ўз ўрни учун курашдан қайтмадику. Коммунистмаш, мен ҳам ҳаётга қайтишга уриниб кўришим керак. Юрий Николай Островскийнинг ҳаёт,—инсон учун энг қимматли нарсадир, у инсонга бир марта берилади, ҳаётнинг жуда оғирлашиб кетганида ҳам яшайбил, уни фойдали қила билишга уриниб кўр, деган дўрдона сўзларини эслади. Шунда у ўзига-ўзи: «Йўқ, ўлимга таслим бўлишга ҳаққим йўқ. Мен ҳаётда ўз ўрнимни эгаллашим керак, юрагим тепиб томиримда қон уриб турар экан, жаниятга қўлимдан келганича фойда етказишим зарур» деди қатъийлик билан.

Павел Корчагин образи ва унинг прототипи Николай Островский умидсизлик зимистонига кириб қолган Юрийнинг истиқбол йўлини машъалдек ёритди. 1945 йилдан 1954 йилгача госпиталда ётиб, касали шифо топмаган Юрий Павлов 32 марта операция қилинса ҳам; отаси, онаси, икки акаси ва икки опасининг ўлганлиги ҳақида қайғули хабарни эшитса ҳам тушкунликка тушмади. Унинг ҳаётга қайтишга бўлган иродаси букилмади.

Госпиталда ётган жойида СССР Олий таълим министри номига ариза ёзади. Юрий Павловнинг илтимоси қондирилди. У, Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг журналистика факультетига студент этиб қабул қилинди. Юрий ўрнидан туролмаса ҳам, аудиториида ўтириб, студентлар билан бирга профессорнинг лекциясини эшитмаса ҳам сиртқи бўлим студенти бўлиб қолмади. Университет партия ва комсомол ташкилоти Юрийга ўқитувчи ва ассистентларни бириктириб қўйди. Улар навбатма-навбат келиб, Юрий билан машғулот ўтказа бошладилар. Ҳаётга қайтишга тинмай интилиш, букулмас ирода бетоблик орқасида келиб чиққан умидсизликни енгди. У муваффақият билан ўқий бошлади.

Бундан икки йил муқаддам медицина ходимларининг маслаҳати билан Юрий Тошкентга келди. У. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетининг IV курси (журналистика бўлими)га қабул қилинди. Доим хушчақчақ, кишилар билан дарров иноқ бўлиб кетадиган Юрий тезда курсдошларининг муҳаббатини қозонди. Битмас тугалмас ғайрат, катта қунт эгаси Юрийни профессорлар, доцентлар ва ўқитувчилар ҳам яхши кўриб қолдилар. Соғлиги оғир аҳволда бўлишига қарамай, Юрий жамоат ишларида актив қатнашади, газета ва журнал саҳифаларида мақолалари билан чиқиб туради, партия ташкилотларининг муҳим топшириқларини бажаради. Юрий Павловни кўпроқ Ворошиловнинг номидаги «Ташсельмаш» заводида учратиш мумкин. У завод коллективининг қаёти билан танишгани бу ерга тез-тез келиб турар эди. Энди халқ бахти-саодати йўлида хизмат қилишдек эзгу орзусини амалга оширади.

Г. ДЕМИДОВ,

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/VI да **Травната**, 1/VII да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Ўзбекистон санъат усталари концерти.** Кеч соат 8 да ...шланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА ...за номли театрнинг ёзги биносида) ...I да **Азиз ва Санам**, 1/VII да «Со...хон.

...ЧИК УЧ... ...ИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

...циалист... ...ламоқда. ...ИНА» — кундуз ва кечқурун ...юдан тўвстрия бадиий фильми **Муҳаббат нурида** эч соат 10 да **45- квадратда.**

«ИСКРА» — кундуз **Муҳаббат нури**, кечқурун **Севимли қўшиқ.**

«ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Муҳаббат нури.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «ИСКРА» «ХИВА», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Муҳаббат нури.**

«УДАРНИК» Севимли қўшиқ.

1 июлдан бошлаб
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МАКТАБЛАРИДА
1956/57 ўқув йилига
БОШЛАНҒИЧ ВА ЎРТА МАКТАБЛАР УЧУН
ДАРСЛИКЛАР СОТИЛАДИ
Дарсликларни ўқувчилар ўқиб турган мактабларнинг киоскаларида сотиб олиш мумкин.
«Ташоблкниготорг».

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА
30 июнь ва 1 июлда паркнинг ёзги театрида ва очиқ саҳналарида
эстрада томошалари
Билет баҳоси 3 сўм.

Тошкент шаҳар Лабзак кўчаси, 249-уйда турувчи **Фотиҳ Алимовнинг** Ашхабод шаҳар, Пожарний переулок, 2-уйда турувчи Мария Яковлевна Алимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 2-участка халқ судида кўрилади.

2-Чимкент тракти, 38-уйда турувчи **Мирзакарим Умаровнинг** 1-Белинский переулок, 45-уйда турувчи Саломат Азимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03887. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистоня сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1467.